

**АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.19.01
РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

ПАРДАЕВ ҚУЛДОШ УЗАҚОВИЧ

**МУҚИМИЙ ШЕЪРИЯТИНИНГ МАТН ТАРИХИ, ТАҲРИРИ ВА
ТАЛҚИНИ**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc) on Philological
Sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по
филологическим наукам**

Пардаев Қулдош Узақович

Муқимий шеъриятининг матн тарихи, таҳрири ва талқини.....3

Pardaev Kuldosh Uzakovich

The text history, interpretation and edition of the poetry of Mukimi.....33

Пардаев Қулдош Узакович

История текста, редактирования и толкования поэзии Мукими.....61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works66

**АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.19.01
РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

ПАРДАЕВ ҚУЛДОШ УЗАҚОВИЧ

**МУҚИМИЙ ШЕЪРИЯТИНИНГ МАТН ТАРИХИ, ТАҲРИРИ ВА
ТАЛҚИНИ**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Fil52 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгашнинг вебсаҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Жабборов Нурбой Абдулҳакимович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тўхлиев Боқизон
филология фанлари доктори, профессор

Шодмонов Нафас Намозович
филология фанлари доктори, профессор

Якубов Исламжон Ахмеджанович
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги давлат
адабиёт музейи**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги DSc. 27.06.2017.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди. (2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.С.Сироҷиддинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Б.Б.Абдушукуров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

З.Ш.Абдирашидов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, филол.ф.ф.д., PhD, доцент

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон маданияти ва адабий-эстетик тафаккури ривожида матншунослик ва адабий манбашунослик соҳаси муҳим ўрин тутади. Асрлар давомида сақланиб келаётган турли даврларга мансуб кўхна манбаларни ўрганиш, улардан жамият маънавиятини юксалтириш йўлида фойдаланиш долзарб вазифалардандир. Кўлёзма манбалар таҳлили ва талқини муайян ижодкор адабий меросига оид илмий ҳақиқатларни аниқлаш имконини бериши жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Дунё матншунослик ва манбашунослик илмида матн тарихи ва таҳрири масаласи тадқиқ этилиши зарур бўлган асосий илмий муаммолардандир. Матн тарихи шоир ижод лабораторияси, матн юзага келиши жарёнидаги мақсад ва режалардан тортиб, матннинг ҳозирги даврдаги ҳолатигача бўлган ўзгаришларни ўзида жамлагани учун бу масалани ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Матн таҳрири масаласи матннинг такомил босқичларини акс эттириши жиҳатидан ҳам муҳим илмий муаммолардан. Дунё матншунослигига бадиий матн таҳрири анча чукур ўрганилгани ҳолда мамлакатимизда етарли даражада тадқиқ этилган эмас. Бу фикрларни Муқимий ижодига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Мустақиллик даври матншунослигига XIX аср охири – XX аср бошлари Кўқон адабий муҳитида яшаб ижод қилган маърифатпарвар ижодкорлар адабий меросини ўрганиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди, бироқ бу давр адабиётида тадқиқотчиларини кутаётган мавзулар талайгина экани ҳам айни ҳақиқатдир. Бу орқали «...Аввало ҳалқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросини ҳар томонлама чукур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадлар кўзда тутилган»¹. Ана шундай ижодкорлардан бири Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғли Муқимий ҳаёти ва ижодий мероси коммунистик мафкура шароитида холис ва тўлақонли тадқиқ этилмаганидек, мустақиллик даврида ҳам монографик тарзда қайта ўрганилган эмас. Шу боис Муқимий шеърияти қўлёзмаларини қиёсий-матний ўрганиш ва шоир назмий асарларини матншунослик ва адабий манбашунослик эришган бугунги ютуқлар асосида қайта тадқиқ қилиш зарурати мавжуд. Муқимиининг катта ҳажмдаги лирик ва ҳажвий асарлари турлича талқин этиб келинган. Бу талқинлар аксар ҳолларда матн моҳиятидан узоқ бўлгани, муайян тор қолипларга асосланганини ҳам таъкидлаш мумкин. Шунга кўра, шоир назмий асарлари мисолида матн талқини масаласини

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – ҳалқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси / Халқ сўзи. –Тошкент, 2017, 4 август.

ўрганишга катта эҳтиёж бор. Бу фикрлар ушбу диссертация мавзусининг долзарб экани тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ПФ-5850-сонли Фармони ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шархи².

Адабий манбашунослик ва матншуносликнинг назарий ва амалий тамойиллари асосида муаллиф ҳаёти ва адабий мероси манбаларининг қиёсий-матний тадқиқи муаммолари бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, İstanbul Üniversitesi (Туркия), Балх давлат университети (Афғонистон), University of Washington Press (АҚШ), Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Қозон давлат университети, Қозоқ миллий университети (Қозогистон), Озарбайжон Миллий Фанлар академияси қўллётзмалар институти (Озарбайжон), Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи ва Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон)да илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳон матншунослиги ва адабий манбашунослигига Муҳаммад Аминхўжа Муқимий адабий мероси, хусусан, лирик ва ҳажвий асарларини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қўйидаги илмий натижалар олинган: шоир биографияси, асарларининг

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шархи <https://litva.info.Book.page-75>, <https://bulletin-history.kaznu>; https://scrible.su/school_literature; <https://dic.academic.ru>, <https://www.istanbul.edu.tr/http://www.washington.edu/>, <http://www.uva.nl/en/home/>, <http://london.ac.uk/>, <http://www.uop.edu.pk/>, <http://www.ivran.ruhttp://elm/az/>, <http://www.navoiy-uni.uz>; Edward ALLWORTH. Uzbek literary politics. London-Paris, 1964, p. 29; A. Zeki Velidi Toğan. Bugünkü Türk ili: Turkistan ve yakın tarihi. İstanbul-1981. - B-501; Janos Eckmann. Harezm, kırçak ve çagatay türkçesi üzerine araştırmalar. Ankara, 1996. - B-209; Philologiae turcicae fundamenta. Wisbaden, Tomum secundum, 1965.

таркибий тузилиши ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилган, Муқимий асарлари Ўзбекистондаги нашрлари асосида таржима қилиниб, тўплам ҳолида нашр этилган (Институт восточных рукописей в Санкт-Петербурге (Россия), (Z.Bünyadov adına Şərqşünaslıq İstitutu (Озарбайжон), Кўқон адабий муҳити ва шоир сатирик асарлари таҳлил қилинган (University of Washington Press (АҚШ), İstanbul Üniversitesi (Турция), Humboldt University of Berlin (Германия), адабий манбалардаги матн тарихи ва талқинига муносабат масаласида янгича методологик ёндашувлар тизими белгиланган University of Amsterdam (Нидерландия), (Россия) Фанлар академияси Шарқшунослик институти (Россия), Қозоқ миллий университети (Қозогистон), İstanbul Üniversitesi (Турция), мумтоз адабий манбаларга оид тадқиқотларнинг илмий-танқидий матн асосида фундаментал тадқиқот даражасига етиши асосланган (İstanbul Üniversitesi (Турция), Тошкент давлат шарқшунослик институти, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети.

Дунё матншунослиги ва адабий манбашунослигида мумтоз адабий манбаларни комплекс ўрганиш бўйича қўйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: муайян асар матни тарихи ва матн таҳрири муаммоси; шоир ижод лабораторияси; адабий асарнинг китобат тарихи; қўллёзма манбаларнинг қиёсий-матний таҳлили; муайян бир асарнинг илмий-танқидий матнини тузиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Матн тарихи ва таҳрири масаласи дунё ва ўзбек матншунослигида маълум даражада тадқиқ этилган. Ушбу илмий муаммонинг назарий ва амалий масалалари рус матншунослари Д.С.Лихачев³, Б.В.Томашевский⁴ илмий ишларида, шунингдек, ўзбек олимлари П.Шамсиев, Ҳ.Сулаймон, Ғ.Каримов, Ш.Сирожиддинов, Б.Тўхлиев, Н.Жабборов, Н.Рахмонов, Ҳ.Болтабоев, А.Эркинов, Н.Шодмонов, Р.Зоҳидов тадқиқотларида ёритилган⁵. Муқимий ижодини ўрганиш унинг ҳаётлик

³ Лихачев Д.С. При участии А.А. Алексеева и А.Г. Боброва. Текстология на материале русской литературы X – XVII веков. – Санкт-Петербург, Изд-во «Алетейя», 2001, стр. 34-35.

⁴ Томашевский Б.В. Писатель и книга. Очерк текстологии. Изд. 2-е, – М., 1959, стр. 148.

⁵ Шамсиев П. Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» достонининг илмий-критик тексти ва уни тузиш принциплари ҳақида: Фил.ф.н... дис. - Т., 1952; Шамсиев П. Навоий асарлари матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари: Фил.ф.д....дис. - Т., 1970; Сулаймон Ҳ. «Хазойин ул-маоний» текстларини ўрганиши ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари. /Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. – Т.: Ўзбекистон ФА нашриёти, 1959, – Б.5-28; Каримов Ғ. Ўзбек классик адабиётининг баъзи назарий масалалари. /Ғулом Каримов – маърифат фидойиси. – Т.: Мумтоз сўз, 2009. – Б.56-63; Сирожиддинов Ш., Умарова С. Ўзбек матншунослиги кирралари. – Т.: Akademnashr, 2015.- Б. 7-9; Матншунослик сабоқлари. – Т.: Navoiy universiteti, 2019. – Б.18; Тўхлиев Б. Юсуф Ҳос Ҳожиб ва туркий халқлар фольклори. – Т.: Баёз, 2014; Жабборов Н. Бадий матн таҳрирининг хос хусусиятлари /«Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммолари» мавзуудаги илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент, Мумтоз сўз, 2014.- Б. 28-32; Ўзбек матншунослигининг долзарб муаммолари /«Замонавий ўзбек адабиётшунослигининг янгилиниш тамойиллари» мавзуудаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент, Adabiyot uchqunlari, 2016.- Б. 99-105; Матншуносликнинг айrim назарий масалалари / «Ўзбек матншунослигининг назарий ва амалий муаммолари» мавзуудаги Республика илмий анжумани материаллари. – Қарши, Насаф, 2019. - Б. 3.7; Олтин ёруғ. 1-китоб (Сўзбоши, изоҳлар ва қадимги туркийдан ўзбекчага табдил муаллифи Н.Рахмонов). – Т.: Фан, 2009; 2-китоб. – Т.: Мумтоз сўз, 2013; Болтабоев Ҳ. Матн ва унинг филологик фанлар тизимидаги ўрни /Ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишнинг назарий ва манбавий асослари. – Т.: Мумтоз сўз, 2019; Эркинов А. Матншуносликка кириш. – Т., 1997; Алишер Навоий «Хамса»си талқини (XV – XX аср боши). – Т.: Tamaddun, 2018; Матншунослик ва манбашунослик асослари. – Т., 2019; Шодмонов Н. «Шоҳиду-л-икబол» – адабий манба. – Т.: Muharrir, 2009. - Б. 22-26; Зоҳидов Р. «Саботул ожизин». (Манбалар, шархлар, илмий-танқидий матн). – Т.: Turon zamin ziyo, 2015.- Б. 184-185.

чоғидан бошланган бўлса-да, шоир адабий мероси матн тарихи ва таҳрири нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаган. Муқимийшунослик, асосан, шоир асарларини нашр эттириш ва оммалаштиришдан бошланган. Жумладан, «Туркистон вилоятининг газети» (1891-1903-1907 йилги сонлари)да шоирнинг лирик ва ҳажвий шеърлари чоп этилган. Санкт-Петербургда нашр этилиб турган «Записки Восточного отделения императорского Русского Археологического общества» тўпламининг 1894 йилдаги IX томида Муқимий ҳажвий асарларидан намуналар берилган. Н.Остроумов Муқимий асарларидан саралаб, 1907 йилда *ديوان مقيمى* «Девони Муқимий»⁶, Мұхаммад Қосим Дода Мұхаммад ўғли *ديوان مقيمى مع هجوبات* «Девони Муқимий маъа ҳажвиёт» (1910-1912) икки марта, Абдулқодир Хўқандий томонидан *بیاض مع هجوبات مولانا مقيمى مع مولانا فرقہ* «Баёз маъа ҳажвиёт мавлоно Муқимий маъа мавлоно Фурқат»⁷ номли тўпламларни тошбосма усулида чоп эттирган. Ижодкор адабий мероси XX асрнинг 20-йилларида ёқ тадқиқотчилар эътиборини тортгани маълум⁸. Шоир ижодини жиддий ўрганиш ўтган асрнинг 30-йилларида бошланди. Бу ишнинг бошида шоир Fafur Гулом турди. Унинг ташаббуси билан 1938 йили «Муқимий баёзи»⁹ тузилиб, нашр этилди. Шу пайтгача Муқимий ҳаёти ва ижодий мероси у ёки бу даражада тадқиқ этилган илмий мақолалар,¹⁰ тўпламлар¹¹ ҳамда монографиялар¹² яратилди. Профессор F.Каримовнинг 1962 йили ёқланган «Ўзбек демократ шоири Муқимий ва унинг даври адабиёти» мавзуидаги докторлик диссертацияси муқимийшунослика алоҳида ўрин тутади. Мазкур

⁶ *ديوان مقيمى*. Из дивана Муқими, Ферганского поэта. Издал Н.Остроумов. Т.: 1907 г.

⁷ ЎзФАШИ, инв.№236.

⁸ Турғул. Эски шоирларимиздан Муқимий. /Фаргона. – Тошкент, 1923, 17 март.

⁹ Муқимий баёзи. (Нашрга тайёрловчи: F.Гулом). – Т.: ЎзФА нашриёти, 1938.

¹⁰ F.Гулом. Муқимий мактублари. /Қизил Ўзбекистон – Тошкент, 1941, 8 май; М.Шайхзода Ватан гулзорининг ўтли булбули. /Ўқитувчи. – Тошкент, 1943, 5 май; Ойбек. Муқимий асарларида социал типлар. /Звезда Востока. – Тошкент, 1947, 7-сон; Шарафиддинов О. Муқимийнинг реакцион адабий оқимларга қарши кураши. /Қизил Ўзбекистон. – Тошкент, 1953, 26 сентябрь; Ёкубов X. Демократ шоир. //Шарқ юлзузи. – Тошкент, 1953, 9-сон; Абдуллаев В. Муқимий сатираси. /Ўқитувчи. – Тошкент, 1959, 9 сентябрь; Эркинов С. Муқимий ҳаёти ва ижодини ўрганишда баъзи қўшимча материаллар. //Шарқ юлзузи. – Тошкент, 1961, 2-сон; Шокиров А. Муқимий ижодида таҳрир масаласи. //Адабий мерос.-Т.: Фан, 1971; Муқимийнинг янги топилган сатираси. // Адабий мерос. – Тошкент, 1976, 5-сон; Муқимий – Хаттот. //Адабий мерос. – Тошкент, 1976, 4-сон; Муқимийнинг бир дастхати ҳақида. //Адабий мерос. – Тошкент, 1978, 10-сон; Мадаминов А., Кўшмақов М. Рост йўлга етаклади инқилоб. //Гулистон. – Тошкент, 1980, 12-сон; Аҳмедов С. Ўзбек адабиётида саёҳатнома //Адабий мерос. – Тошкент, 1986, 6-сон; Турдиалиев А. Муқимийнинг янги аниқланган дастхатлари. // Адабий мерос. – Тошкент, 1988, 1-сон; Шоир мактуби. / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2001, 12 январь; Мадаминов А. Муқимийнинг 140 йилиги юбилейидаги маъруза материалларидан. /Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1990 йил, 9 ноябрь; «Баччагар» кимга бағишлиланган. /Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1992, 3-сон; Болтбаев X. Ёлланган адабиёт сирлари. / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1998, 49-сон; Жўрабоев О. Мехрибони топмадим. /Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1999, 3 сентябрь; Муқимийнинг «Чўнтак баёзи». //Гулистон. – Тошкент, 1999, 2-сон; Муқимий дастнавислари ҳақида. // Адабиёт кузгуси. – Тошкент, 2000, 5-сон; Оразинг гулзорига бордим. /Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2001, 9 февраль; Кўлёзма манбаларда Муқимий ижоди. //Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2001, 3-сон; Фитрати фазлу балоғат бўлгусидур шунчалар. //Тафаккур. – Тошкент, 2003, 3-сон; Fafur Гулом – муқимийшунос. //Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003, 2-сон; Мавлоно Муқимий дунёқараши ва ижодиётининг баъзи жиҳатлари хусусида. //ФарДУ ахбортономаси. – Фаргона, 2008, 2-сон.; Үқбоғамин чеккан шоир. //Ҳидоят. – Тошкент, 2010, 8-сон; Тожибоев Р. Тарихи зилзилаи Андижон. //Адабиёт кузгуси. – Тошкент, 2004, 8-сон; Бир адабий чалкашлик хусусида. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007, 6-сон.

¹¹ Фуркат ва Муқимий ҳақида мақолалар. – Т.: Бадиий адабиёт, 1958; Мадаминов А. Янги баёз. – Т.: Фан, 1997; Очилов Э. Кўнглум сандадур. – Т.: Шарқ, 2009; Турдиалиев А. Богоро. – Т.: Akademnashr, 2010.

¹² Ёкубов X. Ўзбек демократ шоири Муқимий. – Т.: ЎзРФА нашриёти, 1953; Олимжонов А. Мұхаммад Амин Муқимий. Ҳаёти ва ижоди. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1953; Зарифов X. Муқимий ҳаёти ва ижоди. – Т.: ЎзРФА нашриёти, 1955. Каримов F. Муқимий ҳаёти ва ижоди. (Монография). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1970.

тадқиқотларда шоир ҳаёти ва ижодий мероси манбалари қисман ўрганилган. Бизнингча, шоир адабий мероси тадқиқида қуидаги натижаларга эришилган:

1. Муқимий биографияси, у мансуб адабий муҳит, ижодий мероси манбалари ҳақида маълумотлар берилди¹³.

2. Шоирнинг шеърий асарларига оид янги манбалар аниқланиб, илмий муомалага киритилди ва таҳлилга тортилди.

3. Муқимий шеърий асарларининг жанри ва гоявий-бадиий хусусиятлари ҳақида фикрлар билдирилди¹⁴.

А.Шокиров, О.Жўрабоев сингари олимларнинг шоир асарлари қўлёзма манбалари устида олиб борган тадқиқотлари муқимишуносликка қўшилган муносиб ҳиссадир¹⁵. Бироқ шўролар давридаги аксар тадқиқотларда коммунистик мафкура талаблари асосида Муқимиининг кўплаб шеърий асарлари таҳрир қилиниб, лирик ва ҳажвий асарлари ўз моҳиятига зид талқин этилган. Шунинг ўзиёқ шоир шеърий меросини мустақиллик мафкураси мезонлари асосида қайта баҳолаш, Муқимиий дунёқарашини, ижтимоий воқеликка муносабатини, ижодкор сифатидаги тутумини белгилаш нечоғлик долзарб вазифалардан эканини кўрсатади. Муқимиий шеърий асарларининг бирламчи манбалари мустақилликдан сўнг қайта монографик тарзда тадқиқ этилган эмас. Ушбу диссертацион иш адабиётшуносликдаги ана шу бўшлиқни тўлдиришга қаратилган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Тадқиқот Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг «Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи ва матншунослик илмининг назарий ва амалий муаммолари» мавзуидаги илмий тадқиқотлар режаси асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Муҳаммад Аминхўжа Муқимиий шеърий асарлари қўлёзма ва тошбосма манбалари ҳамда нашр нусхаларини қиёсий-матний таҳлил қилиш, ижодкор назмий асарларида матн тарихи, таҳрири ва талқини муаммоларини ўрганиш, шоирнинг миллий адабиёт тарихида тутган ўрнини қайта баҳолашдан иборат.

¹³ Олимжонов А. Муҳаммад Амин Муқимиий. Ҳаёти ва ижоди. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1953; Ёқубов X. Ўзбек демократ шоири Муқимиий. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1953; Зарифов X. Муқимиий ҳаёти ва ижоди. – Т.: ЎзРФА нашриёти, 1955; Каримов F. Муқимиий ҳаёти ва ижоди. (Монография). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1970.

¹⁴ Қаранг: Муқимиий ҳаёти ва ижоди. (Монография). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1970; Очилов Э. Кўнглум сандадур. – Т.: Шарқ, 2009.

¹⁵ Шокиров А. Муқимиининг янги топилган сатираси. //Адабий мерос. – Тошкент, 1976, 5-сон; Муқимиининг бир дастхати ҳақида. // Адабий мерос. – Тошкент, 1978, 10-сон; Муқимиий ва Фурқатнинг янги аниқланган шеърлари. //Адабий мерос. – Тошкент, 1984, 2-сон; Муқимиининг номаълум сатрлари. // Адабий мерос. – Тошкент, 1984, 1-сон; Муқимиий дастхат баёзида Фурқат ғазаллари. //Адабий мерос. – Тошкент, 1988, 5-сон; О.Жўрабоев. Муқимиининг “Чўнтак баёзи”. //Гулистон. – Тошкент, 1999, 2-сон; Муқимиий дастнавислари ҳақида. // Адабиёт кузгуси. – Тошкент, 2000, 5-сон; Кўлёзма манбаларда Муқимиий ижоди. //Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2001, 3-сон; Оразинг гулзорига бордим. /Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2001, 9-февраль; Фитрати фазлу балогат бўлгусидур шунчалар. //Тафаккур. – Тошкент, 2003, 3-сон; Муқимиий қўлёзмаларида форсий шеърлар. //Сино. – Тошкент, 2007, 28-сон; Мавлоно Муқимиий дунёқараши ва ижодиётининг баъзи жиҳатлари хусусида. //ФарДУ ахборотномаси. – Фаргона, 2008, 2-сон.

Тадқиқот вазифалари:

XIX аср охири – XX аср бошлари адабиёти ва Муқимий адабий меросини ўрганишнинг методологик асосларини аниқлаш;

матн тарихи ва матн таҳририга доир назарий қарашлар тадрижини таҳлил этиш;

Муқимийнинг дастхат баёзи ва турли манбалардаги шеърлари қўлёзма ва нашр нусхаларининг қиёсий-матний тадқиқини амалга ошириш;

шоир лирик ва ҳажвий асарлари матн тарихини ёритиш;

матн таҳрири масаласини илмий тасниф асосида ўрганиш асосида шоир назмий асарларининг муаллиф вариантига яқин матнларини тиклаш;

ижодкор лирик ва ҳажвий асарларида матн талқини муаммосини ўрганиш ва уларни қайта илмий баҳолаш;

шоир асарларини замондошлари ижоди билан қиёсий ўрганиш ва уларнинг муштарак ҳамда ўзига хос жиҳатларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти. Муқимий «Асарлар тўплами» ва «Танланган асарлари». Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви материаллари ҳамда қўлёзма фондлардаги шоир асарлари киритилган қўлёзма ва тошбосма манбалар тадқиқот объекти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини Муқимий шеърий асарлари манбаларининг қиёсий-матний тадқиқи, шоир назмий асарларида матн тарихи, таҳрири ва талқини муаммоларини ўрганиш ташкил қиласди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритища қиёсий-тарихий, структурал, герменевтик тадқиқ усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қўлёзма манбалар ва архив ҳужжатлари асосида шоир илмий биографияси оиласи мухити ва таваллуд санасига доир янги маълумотлар билан тўлдирилган;

ижодкор назмий асарларининг ғоявий таҳрирдан ўтказилгани, баъзан уларга матнда бўлмаган ғоя қўшилгани, айrim ҳолларда мавжуд ғоя қисқартирилиб, коммунистик мафкура талабларига мослаштирилгани мисоллар билан далилланган;

шоир лирик меросининг қўлёзма ва тошбосма нусхаларини қиёслаш асосида Муқимийнинг илм аҳлига маълум бўлмаган 13 ғазали, 3 мухаммаси – жами 194 мисра назмий асарлари аниқланиб, илмий истифодага олиб кирилган;

Муқимий асарлари нашрларида коммунистик мафкура талаблари асосида таҳрир қилинган ғазаллардан 69 байт, мухаммаслардан 12 банд, маснавийлардан 11 байт, мураббаъдан 1 мисра, «Саёҳатнома»дан 16 банд – жами 285 мисра қайта тикланган;

шоир асарларининг матн тарихи муаммоси назарий аспектда ўрганилиб, уларнинг яратилишида муаллиф режаси ва мўлжалининг амалга ошишидан матннинг қўчирилиши ва нашр жараёнларигача бўлган такомил босқичлари мисоллар билан исботланган;

замондошлари ижоди билан қиёсий ўрганиш натижасида шоир шеърияти матнларининг илмий талқини эволюцияси очиб берилган.

Тадқиқотниң амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

шоирнинг илм аҳлига маълум бўлмаган шеърий асарлари қўлёзма ва тошбосма манбалар асосида нашр этилган;

тадқиқот натижалари асосида Республикаиз қўлёзма фондларидағи қўлёзма ва тошбосма баёзлар матни қиёсий тадқиқ қилиниб, Муқимий шеърий асарларининг аслиятга мувофиқ ва муаллиф вариантига яқин матнлари тикланган;

Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ва Ғафур Ўлом номидаги Фарғона адабиёт музейида сақланаётган шоир дастхатида кўчирилган 7521, 1325, 7688, 9309, 49.4100 рақамли қўлёзма баёзлар муаллиф таҳририни кўрсатувчи муҳим манба бўлиб хизмат қилиши далилланган;

Муқимийнинг янги топилган асарлари талқини натижасида шоирнинг адабий-эстетик дунёси, ижтимоий воқеликка муносабати ва дунёқарashi масалалари ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Қўлёзма манбалар асосида ижодкор шеърий асарларининг аслиятга мувофиқ матни тиклангани, Муқимий ва даврадошлари ижодидаги поэтик туркум шеърларнинг ўзига хосликлари кўрсатилгани, шоир ижодий лабораторияси орқали унинг ўз шеърий асарлари устида олиб борган ижодий таҳрири масаласи ўрганилгани, шоир назмий асарлари мисолида матн тарихи ва таҳрири тадқиқ қилиниб, илмий хуросалар чиқарилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти матншунослик ва адабий манбашуносликка оид назарий қарашларни бойитиши, хусусан матн тарихи, таҳлили ва талқини масаласининг матншунослик ва адабий манбашунослик ривожидаги ўрнини белгилашга ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқотниң амалий аҳамияти диссертация материалларидан магистратура ва бакалавриат босқичлари учун «Матншунослик», «Матншунослик назарияси», «Адабий манбашунослик тарихи», «Матн таҳрири» фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўланмаларнинг янги авлодини яратиш, илмий маъruzalар, маҳсус курс, семинарларда фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Муқимий шеърий асарлари матни тарихи ва манбаларининг қиёсий-матний тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Муқимийнинг жорий нашрларга кирмай қолган турли манбалардаги шеърий асарлари таҳлили, шоир асарларини замондошлари ижоди билан қиёсий ўрганиш натижасида уларнинг муштарак ҳамда ўзига хос жиҳатлари, ижодкор адабий мероси қўлёзма ва тошбосма манбаларининг қиёсий таҳлили, матн таҳрири масаласи, Муқимий шеъриятида адабий-эстетик идеал, Ватан ва миллат мустақиллиги ғоялари поэтик талқинининг таълим-тарбия жараёнидаги аҳамиятига доир илмий хуросалардан ОФ-Ф8-027 рақамли

«Қўлёзма манбаларнинг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 22.10.2019 йилдаги 89-03-4091 рақамли маълумотномаси). Натижада Муқимийнинг қўлёзма ва тошбосма манбалардан янги топилгандан шеърий асарлари юртимиз миллий-маънавий ва адабий меросининг ажралмас қисми экани исботланган ҳамда ушбу асарларнинг маънавиятимиз ва адабиётимиз тарихида тутган ўрни очиб берилган;

миллий адабиётимиз тарихидаги мумтоз асарлар марказида турган комил инсон концепциясининг Муқимий шеъриятида давом эттирилгани, шоирнинг диний-тасаввуфий мазмундаги комил инсон ғояси билан суғорилган шеърий асарлари таҳлилига доир илмий хulosалардан 5.1.17-рақамли «Шарқ мумтоз адабиётида комил инсон концепцияси» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 22.10.2019 йилдаги 89-03-4091 рақамли маълумотномаси). Натижада ўзбек шеъриятининг янгиланишида мумтоз поэтик анъаналарнинг ўрни, поэтик шакл янгиланишида Муқимий ва замондошлари асарлари адабий-эстетик манба вазифасини ўташи далилланган;

Муқимий ҳаёти ва ижодий биографиясига оид тарихий ва адабий қўлёзма манбалар ҳамда архив материалларидан аниқланган маълумотлардан, ЎзРФА Шарқшунослик институти асосий фондида сақланаётган 7521, 1325, 7688, 9309 рақамли қўлёзма баёзлар Муқимийнинг автографида кўчирилганига доир илмий хulosалардан Ф1-ФА-055746 рақамли «Марказий Осиё ҳалқлари қўлёзма ёдгорликларини тадқиқ этиш. Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архивини илмий тавсифи ва нашр қилиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎзРФАнинг 27.11.2019 йилдаги 3/1255-3121 рақамли маълумотномаси). Натижада Муқимий илмий биографияси, адабий меросига оид маълумотлар бўйича янги хulosаларга келинган, шоир асарларининг қўлёзма ва тошбосма манбалари илмий-монографик тавсифи такомиллаштирилган, мавжуд маълумотларга аниқлик киритилган;

Муқимий адабий меросининг янгича талқини, шоирнинг миллий уйғониш даври ўзбек адабиётидаги мавзулар ва жанрлар такомилидаги ўрни, ижодкор дастхат баёзларининг аниқланганига доир илмий хulosалардан «Маданият ва маърифат» телеканалининг «Одоблар хазинаси», «Бир байт шарҳи» каби кўрсатувларида фойдаланилган. Муқимий ғазаллари матни ва мазмуни манбалардаги фарқли ҳолатлар асосида шарҳланган. Муқимийнинг жамоатчиликка маълум бўлмаган ғазаллари эълон қилинишига доир фактик материаллар берилишида тадқиқот натижаларига таянилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат» телеканали» давлат унитар корхонасининг 6.11.2019 йилдаги 01-16/446 рақамли маълумотномаси). Натижада кўрсатувлар илмий-назарий маълумотлар билан бойитилиб, уларнинг илмий-маърифий савияси ошган.

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Тадқиқот натижалари 3 халқаро, 12 республика илмий-назарий анжуманларида жамоатчилик мухокамасидан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича 29 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та монография, битта Муқимийнинг янги аниқланган асарлари тўплами, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 мақола, жумладан, 11 таси республика ҳамда 1 таси хориждаги илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт асосий боб, умумий хulosалар, фойдаланилган адабиётлар ва иловадан иборат. Тадқиқотнинг ҳажми 223 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, обьекти, предмети, фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги, хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи асосланиб, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, аprobацияси, эълон қилинган ишлар ва тадқиқот тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Миллий уйғониш даври Кўқон адабий мұхитини ўрганишнинг назарий-методологик муаммолари**» деб номланган. Бобнинг «*XIX аср охири – XX аср бошлари Кўқон адабий мұхити ва Муқимий ижодини ўрганишининг методологик асослари*» сарлавҳали дастлабки фаслида ушбу давр адабиётини тадқиқ қилиш билан боғлиқ тамойиллар ишлаб чиқилган. Улар қўйидагилардир: 1) ижодкор ва у яшаган ижтимоий-тариҳий мұхитнинг ўзаро муносабатини ҳаққоний белгилаш; 2) адабий мероси ўрганилаётган ижодкор дунёқарашини баҳолашда мезоннинг тўғри танланиши; 3) адабий манбадаги талқинларнинг аслиятга мувофиқлиги; 4) ижодкор асарларининг бугунги глобаллашув давридаги адабий-эстетик тафаккур такомилига таъсири.

Ижодкор ва у яшаган ижтимоий-тариҳий мұхитнинг ўзаро муносабатини ҳаққоний белгилаш. Муқимий ва XIX аср охири – XX аср бошлари Кўқон ижтимоий-тариҳий мұхитини тадқиқ қилишда аҳамиятли илмий ютуқларга эришилган бўлса ҳам, ўрганилиши зарур бўлган муаммолар мавжуд. Шўро давридаги тадқиқотларда бу мавзуга ўша давр ҳукмрон мафкураси талаблари асосида ёндашилган ва Муқимий демократик адабиёт вакили сифатида исёнкор шоир ўлароқ талқин этилган. Унинг ҳажвий асарлари ҳам адабий-эстетик мезонларга кўра эмас, синфий-мафкуравий асосда ўрганилган. Мустақиллик замонида яратилган «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» дарслигида шоир адабий мероси нисбатан холис илмий ёритилган. Диссертацияда ижодкор ва у яшаган ижтимоий-тариҳий мұхитнинг ўзаро муносабатини ҳаққоний белгилаш зарурлиги далилланиб,

ушбу илмий муаммони Муқимий адабий мероси мисолида тадқиқ қилиш юзасидан илмий холосалар билдирилди.

Адабий мероси ўрганилаётган ижодкор дунёқарашини баҳолашда мезоннинг тўғри танланиши. Бу масала XIX аср охири – XX аср бошларида яшаб ижод этган барча маърифатпарварлар адабий меросини тадқиқ этишда методологик аҳамиятга эга. Муқимий дунёқараши замондош шоиру адиблар томонидан муносиб баҳоланганд. Ҳусайнқули Мухсинийнинг «Қасида ҳозо бажиҳати Муҳаммад Аминхўжа Муқимий» сарлавҳали қасидаси, Камина, Ёрий, Мавлавий Йўлдош, Сулаймонқули Рожий ва Ошиқ Махдум Ўшийнинг қасида, марсия, таърих жанрларида шеърларида Муқимий дунёқараши бадиий лавҳаларда ёритилган. Зуфархон Жавҳарийнинг «Гузориши ҳоли Муқимий Фарғоний” манзумасида ҳам шоирга муносиб баҳо берилган. «Айниқса, Мухсинийнинг қасидаси шоир ҳаётлиги даврида битилгани билан алоҳида аҳамият қасб этади. У Мухсинийнинг 1897 йилда тасниф этилган «Илк девон»ининг 80^{аб}-варажларидан ўрин олган. Замонасининг аҳли донишлари орасида Муқимий қанчалик ҳурмат-эътибор қозонгани қасиданинг қўйидаги мисраларида яққол баён қилинган:

Зубдаи даврон Хўқанд ичра худ якто Муқим,
Аҳли донишлар ичинда рутбаси аъло Муқим.
Фитрату фазлу балоғат бўлғусидур шунчалар,
Кўрмади гардун сенингдек шоире асло, Муқим»¹⁶.

Илмий тадқиқотларда, шоир асарлари нашрларида Муқимийнинг динга муносабатини шўро сиёсатига мослаштиришга уриниш айни матн тарихи, матн талқини масалаларининг аслиятга зид ҳолга тушишига сабаб бўлди. Натижада шоирнинг диний мавзудаги шеърий ва насрий асарлари, ҳаёти ва ижодига доир диний руҳдаги маълумотлар китобхонлар эътиборидан четда қолди. Профессор Ғулом Каримовнинг Муқимий «Асарлар тўплами» ҳақидаги мулоҳазалари ҳам бу фикрни тасдиқлади: «...Бу шеърлар Муқимий қолдирган лирик мероснинг ҳаммаси эмас. Чунки маълум мулоҳазалар билан бир қисм шеърлар икки томликка киритилмади»¹⁷.

Аксар ҳолларда Муқимий асарлари асл моҳиятига зид талқин этилиб, шоир руҳий оламига номувофиқ фикр-мулоҳазалар билдирилган. Бироқ тарихийлик тамойили асосида баҳо берилса, муқимийшунос олимлар шоир ижодини адабиёт тарихига олиб кириш мақсадида шундай йўл тутгани маълум бўлади. Диссертацияда истиқлол даври имкониятларидан келиб чиқиб, шоир дунёқараши асарларининг асл моҳиятидан келиб чиқиб баҳоланди. Нафақат Муқимий ижодида, балки умуман Қўқон адабий муҳити намояндалари адабий меросида диний-маърифий ва тасаввуфий ғоялар билан суғорилган шеърий асарлар етакчилик қилиши масаласи тадқиқ қилинди.

Адабий манбадаги талқинларнинг аслиятга мувофиқлиги. Бадиий матн ва унинг аслияти масаласи матншуносликда ўрганилиши муҳим бўлган илмий муаммолардандир. Мумтоз ижодкорлар асарлари матнининг аслиятга

¹⁶ Жўрабоев О. Фитрати фазлу балоғат бўлғусидур шунчалар. //Тафаккур. –Тошкент, 2003, 3-сон.-Б.86.

¹⁷ Каримов F. Муқимий ҳаёти ва ижоди. (Монография). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970.Б.138.

мувофиқлиги илмий текширув хulosаларининг ҳаққонийлигини, назарий жиҳатдан асосли бўлишини таъминлайди. Жумладан, Муқимий, Фурқат, Завқий, Ҳамза сингари шоирлар асарлари шўро даври мафкураси талабига кўра таҳрир ва қисқаришларга учраган. Натижада ноқис матнлар асосида турлича бирёқлама талқинлар юзага келган. Бундай ҳолни Муқимийнинг «Дар мазаммати замона» сарлавҳали ижтимоий-сиёсий мавзудаги шеъри мисолида ҳам кузатиш мумкин. Ўн етти байтдан таркиб топган шеър матни Муқимий асарлари нашрларида ўн байтга келтирилган бўлиб, етти байти қисқартирилган. Бу эса шоирнинг чор мустамлакасига бўлган танқидий қарashi яширилишига олиб келган. Нашрлардан тушириб қолдирилган шеърнинг иккинчи байти Муқимийнинг 1325 рақамли дастхат баёзида (120^а-саҳифа) қуидагича келади:

*Тўлиб черкас, қизилбош, арманилар шаҳримиз ичра,
Мусулмонлар таҳито, яхшилар кўздин ниҳон бўлди.*

Худди шундай ҳолни шоирнинг «Толеим» радифли шеъри мисолида ҳам кўриш мумкин. Ғазал Муқимий асарлар тўпламининг энг сўнгги нашрида (138-бет) 5 байт бўлиб келса, 7521 рақамли Муқимий дастхат баёзининг 51^а-саҳифасида эса 6 байт. Бундай мисоллар диссертацияда кенгроқ таҳлил этилди.

Умуман, Қўқон адабий муҳити намояндалари асарлари матнини ўрганиш натижалари миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти намояндалари меросини тадқиқ қилишда матншунос танқидий ёндашмоғи зарурлигини кўрсатади. Мавжуд нашрлардаги матнларни аслият билан қиёсламасдан амалга оширилган талқинлар илмий асосга эга бўла олмаслигидан ташқари, шоир адабий мероси ҳақида асл ҳақиқатга зид хulosаларга олиб келадики, бу ҳол адабиётшуносликнинг ривожига эмас, аксинча, таназзулига сабаб бўлиши мумкин.

Адабий-эстетик тафаккурнинг бугунги глобаллашув давридаги такомилига ижодкор асарлари таъсiri. Муқимийнинг манбалардан янги аниқланган аксар ғазал ва мухаммаслари моҳиятан диний-тасаввуфий ғояларнинг бадиий талқинига бағишлиланган. Бундай шеърларига шоир зулм ва бидъатнинг жамият учун оғат манбаи экани,adolatни улуғлаш каби ғояларини сингдириб юборган.

Ҳажв жамиятдаги иллатларни фош этиш орқали уларни муолажа этишга қаратилгани билан алоҳида ажralиб туриши исбот талаб қилмайди. Бошқача айтганда, ҳажв – жамият учун ойна. Бу ойнада ютуқлар ҳам, нуқсонлар ҳам очиқ-ойдин акс этади. Муқимий ижодида ҳажвнинг етакчи ўрин тутиши сабаби шунда. Шоир ҳажвий асарларининг асосий ғояси замонасидагиadolatsizliklarни, чор ҳукуматининг миллий давлатчилигимизга, азалий қадриятларимизга зид сиёсати моҳиятини очиб кўрсатиш, бу орқали миллатга ўзлигини англатишдан иборат. Бу турдаги асарларида Муқимий шариат қоидаларининг мустамлакачилар томонидан поймол этилиши, оқибатда халқнинг маънавий-ахлоқий илдизларидан тобора узоклаша бориши, умуман, миллатнинг аянчли аҳволга тушиб қолиши сабабларини бадиий талқин этади.

Жумладан, мухаммас жанридаги «Дариго мулкимиз» сарлавҳали шеър Муқимиининг совет давридаги асарлар тўплами энг сўнгги нашрида¹⁸ 6 банд, аслиятда эса 8 банд. Икки банд қисқартирилганидан ташқари, мухаммаснинг деярли барча бандларидаги мисралар таҳрирга учраган. Шундан сўнггина жорий нашрларга киритилган. Натижада шоирнинг чор мустамлакачиларига нисбатан танқидий қарашлари ўқувчи эътиборидан четда қолган. Мухаммаснинг биринчи бандида айни ҳол кузатилади.

Жорий нашрларда:

*Дариго, мулкимизнинг соҳиби аҳли шарор ўлмиши,
Шариат ҳукми қозилар қўлида пургубор ўлмиши,
Ба жойи амри маъруф, кори мункар ошкор ўлмиши,
Ҳакиму олиму соҳибфасоҳат хору зор ўлмиши,
Бу кунда кимки иймонин сотар ул эътибор ўлмиши.*

Аслиятдан жорий имлога табдил қилганда¹⁹:

*Дариго, дини ислом ҳокими аҳли кифор ўлмиши,
Шариат кўзгусиким, куфр гардидин губор ўлмиши,
Ба жойи амри маъруф наҳии мункар ошкор ўлмиши,
Сайд, содотлар беҳурмат-у кўп хору зор ўлмиши,
Бу кунда кимки иймонин сотибдор, эътибор ўлмиши.*

Кўринадики, шеър бутунлай тескари таҳрир қилинган. Натижада шоирнинг танқиди мустамлакачиларга эмас, дин пешволарига, қози-ю бойларга қаратилиб қолган. Аслида, шоирнинг мақсади бундай бўлмагани маълум. Ваҳоланки, шоир «Шариат кўзгусиким, куфр гардидин губор ўлмиши», дея диний қадриятлар топталганидан изтироб чекади.

Умуман, мухаммаснинг барча бандларидаги фикрлар замонadolatcizliklari ҳақида. Шоир дунёпараст бўлмай, комил мусулмон эди. Лекин бу фикр унинг таркидунёчиликка мойил эканини англатмайди. Муқими дунёни эмас, дунёга муҳаббатни тарқ этиш ҳақида ёзган. Зеро, дунёпарастлик одамни асл моҳиятидан узоқлаштиради. Дунё матоҳига бўлган ҳирс эса инсонни жиноятга унрайди, ҳар қандай йўл билан бўлсин, бойлик тўплашга интилиш туйғусини пайдо қиласди. Бугунги глобаллашув замонида ёш авлод қалбida дунёпарастликка эмас, инсоний камолотта бўлган муҳаббат туйғусини уйғотиш жамият равнақига тўсиқ бўлаётган аксар иллатларнинг олдини олиши аниқ. Бу ҳол адабий мероснинг, Муқими сингари файласуф шоирлар асарларининг бугунги кун учун аҳамиятига далил бўла олади.

Бобнинг иккинчи фасли «Матн тарихи ва матн таҳририга доир назарий қарашлар тадрижси» деб номланади. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари манбаларини ўрганишда матншуносликнинг назарий қисми бўлган матн тарихи ва матн таҳрири масалалари алоҳида ўрин тутади. Дастрраб матн тарихи масаласига тўхталиб ўтсак. Д.С.Лихачев фикрича: «Матн тарихи тушунчаси муайян асар матнининг барча масалаларини қамраб олади. Асарга

¹⁸ Каримов Ф. Муқими. (Асарлар тўплами). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1974. – Б.356.

¹⁹ Мадаминов А. Янги баёз. – Т.: Фан, 1997. – Б. 16. Бу шеър матни А.Турдиалиев хизмати билан нашр этилган “Боғ аро” номли тўпламда тузатилган (– Т.: Akademnashr, 2010. – Б. 243).

алоқадор ҳамма масалаларни фақат тўлиқ (ёки имкон даражасида тўлиқ) ўрганишгина бизга асар матни тарихини том маънода кашф этиш имконини беради”²⁰. Матншунос Нурбой Жабборов матн тарихининг назарий моҳиятини деталлаштириб талқин этади: «Тадқиқотлар шуни қўрсатадики, матн тарихи қўлёзма манбалар генеалогиясини текширишдан муаллифнинг ва ҳатто манбани қўчирган котибнинг дунёқараши ва ғоясини ўрганишгача, асарнинг юзага келишида муаллиф ижодий ниятининг рӯёбга чиқишидан унинг яратилишигача у ёки бу даражада алоқадор бўлган бошқа адабий ёдгорликлар билан ўзаро боғлиқ жиҳатлари тадқиқигача бўлган барча жараёнларни қамраб олади»²¹. Табиийки, бундай ёндашув бадиий асар матни билан боғлиқ барча масалаларни қамровли тадқиқ қилиш имконини беради. Матншунос Шухрат Сирожиддинов фикрича: «Матн тарихини ўрганиш қўлёзма асарнинг мавжуд нусхаларини қиёслашдан бошланади. Матнлар **тўлиқ, нуқсонли, тузатилган** (редакцияга учраган) ёки **тугатилмаган** кўринишларда учрайди. Қўлёзма нусхаларда унинг тарихи бевосита қайд этилган ёки билвосита аниқланадиган белгилар ёрдамида тикланади»²².

Модомики, матн тарихи бадиий асар матнига дахлдор барча масалаларни қамраб олар экан, ўзбек матншунослигида бу назарий муаммо қачондан бошлаб ўрганилгани, бошқача айтганда, матн тарихи муаммосининг генезиси ҳақида фикр юритиш зарурати туғилади. Мутахассислар матн тарихини тадқиқ қилиш илдизлари Қуръони карим ва ҳадиси шарифларнинг ўрганилиши билан боғлиқ эканини таъкидлайди²³. Жумладан, ҳадис китобларининг нақл қилиниш тартиби ҳақидаги мана бу қарашлар айнан матн тарихи билан боғлиқ эканини таъкидлаш керак: «Мусулмонларда ёзма маълумотлар, хусусан, ҳадис китоблар бир қанча шартлар асосида нақл қилинади. Муҳаддис ўз тўплами асосида ҳадис айтар экан, уни одамларга ўқиб беради. Хоҳловчилар айтилган ҳадисларни ёзиб олишади. Агар жамоат катта бўлса, ҳар жой-ҳар жойда муҳаддиснинг сўзини етказиб беришга маълум кишилар тайинланади. Улар ҳар бир сўзни баланд овозда узоқдагиларга етказиб беришади. Кейин ҳадисларни тўлиқ ёзиб олган шогирд ўз ёзганларини устоз кўригидан ўтказади: устоз шогирднинг ёзганини, шогирд устознинг китобини қўлга олади ва ҳар бир ҳадисни сўзма-сўз текшириб, охирги ҳарфигача асл нусхага солиштириб чиқилади. Китоб кўчиришдаги бу услуб «муқобала» деб аталади»²⁴.

«Муқобала» услуби бадиий асарлар матни тарихини ўрганишда ҳам илмий аниқликка, матн мукаммалигига эришишга асос бўла олиши жиҳатидан қимматлидир. «Ҳадис матнларининг тарихи билан боғлиқ бу

²⁰ Лихачев Д.С. При участии А.А. Алексеева и А.Г. Боброва. Текстология на материале русской литературы X – XVII веков. – Санкт-Петербург: Алетейя, 2001. – С. 33.

²¹ Жабборов Н. Ўзбек матншунослиги ва унда матн танқиди, илмий-танқидий матн истилоҳларининг ўрни. / Ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишнинг назарий ва манбавий асослари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: Mumtoz so`z, 2019. – Б.12

²² Сирожиддинов Ш. Матншунослик сабоқлари. – Т.: Navoiy universiteti, 2019. – Б.18.

²³ Жабборов Н. Матн тарихи ва унинг генезисига доир айрим мулоҳазалар. Қўлёзма мақола. – Б.1. (Бундан кейин ушбу мақоладан олинган иқтибослар саҳифаси қавсда қўрсатилади).

²⁴ Олтин силсила. Саҳиҳул-Бухорий. I жилд. – Т.: HIOL-NASHR, 2012. – Б.29.

услуб адабий ёдгорликлар матнини китобат қилиш ва илмий текшириш жараёнига ҳам татбиқ этилиши зарур. Агар ана шундай услубда ёндашилса, адабий асарлар матнини ўрганишда эътиборга молик илмий натижаларга эришиш мумкин бўлар эди» (Б.3).

Матн тарихи ва унинг генезиси ҳақида сўз кетар экан, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготи-т-турк» асари ёзилишида муаллифнинг нияти, режасининг амалга ошув жараёни билан боғлиқ мулоҳазалари, Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг», Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Хамса» асарининг ёзилиш тарихи билан боғлиқ фикрлари матншуносликнинг ушбу муҳим назарий масаласи ўзбек шоир ва мутафаккирларининг доимий эътиборида бўлганини кўрсатади. Тўғри, улар асарларида «матн тарихи» истилоҳи қўлланган эмас. Бироқ унинг моҳияти баён этилган. Бу ҳол матншуносликнинг назарий асосларини Ғарб ёки рус олимлари асарларидан эмас, миллий адабиётимиз манбаларидан излаш зарурлигини кўрсатади.

Умуман, матн тарихи ҳақидаги назарий қарашлар тадрижи миллий адабиётшунослигимиздаги ушбу жараён билан боғлиқ фикрларнинг тизимга солинмагани, матн тарихига доир назарий қарашлар генезиси, такомил босқичлари етарли ўрганилмагани ҳақидаги хулосага олиб келади. Матн тарихининг Муқимий адабий мероси билан боғлиқ муаммолари тадқиқи мавжуд назарий қарашларга асосланади.

Матн таҳрири. Матн тарихининг асосий қисми бўлган матн таҳрири масаласини илмий асосда ўрганиш матншуносликнинг долзарб муаммоларидандир. Бу эса, ўз навбатида, адабий асарларнинг дастхат ва унга яқин варианatlарини нашр нусхалари билан қиёсий ўрганиш, аниқланган ҳар бир тафовутнинг сабабларини аниқлаш ва илмий баҳолаш заруратини келтириб чиқаради.

Мутахассислар мумтоз адабиёт материалларини ўрганишда матн таҳрирининг алоҳида ўрин тутишини таъкидлайди. «Д.С.Лихачевнинг «Текстология» китобида таҳрирнинг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилади: 1) ғоявий таҳрир; 2) услубий таҳрир; 3) асарда фактларни бойитиш, кенгайтиришга қаратилган таҳрир; 4) бир неча турни ўзида мужассам этган қоришиқ таҳрир. Муаллиф матн таҳририни бу каби турларга ажратар экан, табиийки, рус адабиёти материалларига асосланади. Бизнингча, бу таснифни ўзбек адабиёти материалларига ҳам татбиқ этиш мумкин. Матн таҳрирининг мазкур турлари Муҳаммад Аминхўжа Муқимий шеърий асарларида ҳам кенг қўлланган. «Д.С.Лихачев фикрича: «Матнинг «ғоявий таҳрир»дан ўтиши асарнинг стилистик жиҳатлари билан боғлиқ бўлиши ёки боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Таҳрир баъзан бутун матн таркибига, айрим ҳолларда унинг алоҳида қисмига алоқадор бўлади. Ёзма ёдгорликка бутунлай тескари маъно юкланиши, матнда у ёки бу хил «ғоявий тозалаш» ўtkазилган бўлиши мумкин. Ҳатто асарга унда мутлақо бўлмаган ғоя қўшилиши ёки матнда мавжуд бўлган ғоя «қисқартирилиши» ҳоллари ҳам учрайди»²⁵.

²⁵ Лихачев Д.С. При участии А.А. Алексеева и А.Г. Боброва. Текстология на материале русской литературы X – XVII веков. – Санкт-Петербург: Алетейя, 2001. – С. 90.

«Хажм ва кўламига кўра ғоявий таҳрирни иккига бўлиб ўрганиш мумкин: 1) бутун матн таркибига оид таҳрир; 2) матннинг алоҳида қисмига алоқадор таҳрир»²⁶.

Диссертацияда бу каби таҳрир турларининг ҳар бирига Муқимий ижоди мисолида тўхталинган. Жумладан, Муқимий шеърлари нашрида *матннинг алоҳида қисмига алоқадор таҳрирлар*, айниқса, қўп. Жумладан:

Эй яхшилар, келайлик, бир жойга йигилайлик,

Ўйнайлик кулайлик, омон бўлайлик, –

мисралари билан бошланувчи ғазал матни шоир асарларининг жорий нашрларида ва барча адабиёт дарсликларида шу тарзда тақдим этиб келинди. Аслида шеърнинг такрорланиб келувчи иккинчи мисраси 9966 рақамли қўлёзма баёзда²⁷ (141^a -саҳифа) «Ўйнайлик кулайлик, шукр қиласлий», – шаклида берилган. Бу тарздаги таҳрир муаллифнинг асосий ғоясини мавхумлаштиради, шеърнинг бадиий мантигини бузади. Диссертацияда бу масала атрофлича таҳлил этилган.

Хулоса қилиб айтганда, матн таҳрири масаласи матн тарихининг асосий таркибий қисмидир. Адабий асарлардаги таҳрир муаммосини тадқиқ қилиш манбанинг бадиий-эстетик қимматини белгилашда муҳим ўрин тутади.

Диссертациянинг «Муқимий шеърияти манбалари ва матн тарихи муаммоси» деб номланган иккинчи бобида шоир асарлари жамланган Республика қўлёзма фондларида ва архивларда сақланаётган манбалар таҳлили, Муқимий шеърий асарларининг матн тарихи тадқиқ қилинган. Бобнинг дастлабки фасли «Шоир лирикаси манбаларининг қиёсий таҳлили» деб номланган. Маълумки, Муқимий асарлари турли қўлёзма ва тошбосма баёзларда, санъаткорларнинг ён дафтарларида, адабиёт ҳаваскорлари коллекцияларида, айrim парча қофозларда турли кишилар қўлида сақланиб келган. Шоир асарларини йиғиш ва нашр этишда профессор Гулом Каримовнинг хизматлари катта бўлди. У Муқимий «Асарлар тўплами»ни жами тўрт марта (1958, 1960, 1973, 1974 йилларда) чоп эттириди. Гарчи ўша даврда Муқимий асарларини тўлиқ ва мукаммал ҳолда нашр этиш имкони бўлмаса-да, олим шоир адабий меросини биринчилардан бўлиб ўрганди, ўрта ва олий таълим дастурларига, дарсликларига олиб кирди. Муқимий адабий мероси қўлёзмалари юзасидан А.Шокиров илмий изланишлари натижасида шоир шеърлари дастхатлари ҳақида янги маълумотлар қўлга киритилди²⁸.

Истиқлол йилларида ҳам Муқимий асарлари қўлёзмалари устида илмий изланишлар олиб борилди. Айниқса, шоир асарларининг совет давридаги нашрларига киритилмаган айrim шеърлар кенг жамоатчилик эътиборига

²⁶ Жабборов Н. Бадиий матн таҳрирининг хос хусусиятлари. – «Ўзбек адабиётшунослигига талқин ва таҳлил муаммолари» мавзуидаги илмий-назарий анжуман материаллари. – Т.: Мумтоз сўз, 2014. - Б.27.

²⁷ Мазкур шеър матни факат шу баёзда учрайди. Буни муқимийшунос олимлар ҳам таъкидлайдилар.

²⁸ Қаранг: Шокиров А. Муқимий ижодида таҳрир масаласи // Адабий мерос. –Т.: Фан, 1971; Муқимийнинг янги топилган сатираси //Адабий мерос. –Тошкент, 1976. 5-сон; Муқимий дастхат ёзган баёз //Адабий мерос. –Тошкент, 1976, 6-сон; Муқимий – Хаттот. //Адабий мерос. –Тошкент, 1976, 4-сон; Муқимийнинг бир дастхати ҳақида // Адабий мерос. –Тошкент, 1978, 10-сон; Муқимий ва Фурқатнинг янги аниқланган шеърлари. // Адабий мерос. –Тошкент, 1984, сон; Муқимийнинг номаълум сатрлари //Адабий мерос. – Тошкент, 1984. 1-сон; Бир туюқ муаллифига доир // Адабий мерос. –Тошкент, 1985. 2-сон; Муқимий дастхат баёзида Фурқат газаллари // Адабий мерос. –Тошкент, 1988. 4-сон.

ҳавола этилди. Адабиётшунос О.Жўрабоевнинг Муқимий шеърлари дастхатлари юзасидан олиб борган тадқиқотлари, айниқса, эътиборга лойиқдир²⁹. Шунингдек, адабиётшунос А.Мадаминовнинг хизматлари билан 1997 йили «Янги баёз» тўплами чоп этилди. Адабиётшунослардан А.Турдиалиев 2010 йилда шоирнинг «Боғ аро», Э.Очилов 2009 йили «Кўнглум сандадур» номли тўпламларини нашр эттириди.

Муқимий ҳаёти ва ижоди манбалари юзасидан олиб борилган тадқиқотларда муайян илмий натижалар қўлга киритилган. Бироқ шоир адабий меросининг қўлёзма манбалари билан боғлиқ қуйидаги масалалар етарлича ўрганилган эмас: 1) шоир дастхат баёzlари тўлиқ тадқиқ этилмаган; 2) ижодкор адабий мероси манбаларини ўрганиш асосида шоир шеърлари ҳажми ва жанр қўлами аниқланмаган; 3) шоир асарларининг илм аҳлига маълум бўлмай келган қўлёзма ва тошбосма манбалари тасниф ва таҳлил қилинмаган.

Бизнингча, Муқимий ижодий мероси учрайдиган манбаларни қуйидагича тасниф этиш мумкин: а) Муқимий дастхат баёzlари, мажмуалар ва алоҳида вараклардаги шоир дастхатлари; б) шоир замондошлари томонидан тузилган қўлёзма баёzlар ва мажмуалар; в) тошбосма баёzlар; г) архив материаллари; д) вақтли матбуот материаллари ва тўпламлар; е) Пўлатжон Қайюмов асарлари («Тазкираи Қаюмий», «Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти»).

Диссертацияда 39 та қўлёзма, 14 та тошбосма мажмуа ва баёzlар, учта архивдаги, битта вақтли матбуот, битта тўплам ҳамда Пўлатжон Қайюмов асарларидаги материаллар қиёсий таҳлил қилиниб, улар орасидан шоирнинг 5 та дастхат баёзи ва шоир дастхати учрайдиган учта қўлёзма мажмуага доир маълумотлар тадқиқ қилинди. Мазкур манбалардан Муқимийнинг ҳанузгача илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган 13 та фазал, 3 та мухаммас жанридаги шеърлари (194 мисра) аниқланди.

Жумладан, 1325 рақамли қўлёзма баёз XIX аср охирларида Кўқонда тузилган. Унда XV – XIX асрда ижод қилган шоирлардан Навоий, Амирий, Муҳий, Муҳаййир, Фурқат, Завқий асарларидан намуналар берилган. Профессор F.Каримов мазкур баёздаги Муқимий шеърлари ҳажмини 120 та деб кўрсатади. Шунингдек, бу тўпламни шоирнинг дастхат баёzlари қаторига қўшмайди. Олим тадқиқотларида баёздаги Муқимийнинг ўз асарлари устида олиб борган таҳрири борасида фикр юритилмаган. Баёз хусусида қуйидагича мулоҳаза билдирилади: «Хозирги қўлёzmамизнинг (1325 рақамли) 264-бетидан 358-бетигача жойлашган бир юз битта шеър «Девон»да (Муқимийнинг 7521 рақамли дастхат баёзи) қандай тартибда бўлса, худди

²⁹ Жўрабоев О. Мехрибоне топмадим. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –Тошкент, 1999, 3 сентябрь; Муқимийнинг «Чўнтак баёзи» //Гулистон. –Тошкент, 1999, сон; Муқимий дастнавислари ҳақида // Адабиёт кузуси. –Тошкент, 2000, 5-сон; Оразинг гулзорига бордим Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –Тошкент, 2001, 9-февраль; Кўлёзма манбаларда Муқимий ижоди //Тил ва адабиёт таълими. –Тошкент, 2001, 3-сон; Fafur Fулом – муқимийшунос // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2003, 2-сон; Фитрати фазлу балогат бўлғусидур шунчалар. //Тафаккур. –Тошкент, 2003, 3-сон; Муқимий кўлёzmаларида форсий шеърлар //Сино. –Тошкент, –Тошкент, 2007, 28-сон; Мавлоно Муқимий дунёқараши ва ижодиётининг баъзи жиҳатлари хусусида //ФарДУ Ахборотномаси. –Фарғона, 2008. 2-сон; Уқбо ғамин чеккан шоир //Хидоят. 2010. 8-сон.

шундай тартибда, ўзгаришсиз кўчирилган. Бунинг устига у шеърларнинг тексти ҳам бир турли келади, фарқ қилмайди»³⁰.

Кейинги илмий изланишлар натижасида мазкур баёздан шоирнинг F.Каримов таъкидлаганидек, 120 та эмас, 127 та шеърий асари ўрин олгани аниқланди. Уларнинг жанр таркиби қуидагича: 101 та ғазал (3 таси янги), 17 мухаммас (8 таси ҳажвий), 3 мураббаъ, 4 та маснавий, 1 шеърий мактуб ва «Саёҳатнома» (Қўқондан Исфараға қисми). 7521 рақамли дастхат баёздаги 110 та шеър бу тўпламда шоир таҳриридан сўнг қайта кўчирилган.

Бобнинг иккинчи фасли «Муқимий шеъриятида матн тарихини ўрганиши муаммолари» деб номланган. Муқимий шеърий асарлари матни бугунги кунгача турли варианtlарда етиб келди. Бу эса, ижодкор лирик асарлари матни тарихини ўрганиш, аслиятга мувофиқ матнини тиклаш заруратини кун тартибига қўяди. Матншунос Нафас Шодмонов таъкидлашича: «Матншунослик икки устувор йўналишда ривожланади: уларнинг бири матнни қандай ўрганиш кераклиги ва иккинчиси матнни қандай нашрга тайёрлаш муаммоларидир. Уларнинг биринчиси кўпроқ назарий, иккинчиси амалий характерга эга. Бу йўналишлар бир-бирисиз ривожланмаса-да, улардан қай бирини аввалги ўринга чиқариш масаласида турлича қарашлар мавжуд. Рус матншуносларидан А.А.Шахматов аввал матнни нашр қилиш, кейин илмий ўрганишни тавсия қилса, Д.С.Лихачев бунга қарши, асарни ўрганмасдан нашр қилиш имконсиз иш эканини таъкидлайди. Матншуносликнинг илмий-назарий йўналиши матн тарихини тадқиқ этишдан иборат»³¹. Бизнингча ҳам, А.А.Шахматов, Д.Лихачев каби рус олимларининг айrim фикрлари мунозарали. Чунки муайян бир асар матни тарихи кенг қамровли ходиса. Шундай экан, муайян бир асар матни бирламчи манбадами, жорий нашрлардами барчаси ҳисобга олиниши зарур. Матншунос Р.Зоҳидов таъкидлаганидек: «Муайян асар табдили матн тарихининг давомидир. Матн тарихининг замонлараро ўзгариш даражаси қанчалик аниқлашса, табдил вариантининг аслга мувофиқлик даражаси шунчалик юқори бўлади. Демак, мумтоз адабий меросимиз намуналарининг жорий имлога табдилини танқидий ўрганиш матншуносликнинг фундаментал масаласидир»³².

Диссертацияда Муқимий шеърияти айни шу илмий муаммо нуқтаи назаридан ўрганилди. Илмий изланишлар шоир назмий асарлари матни тарихини тўлақонли тадқиқ қилиш учун қуидаги омилларга эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади:

- а) асар ёзилишига таъсир кўрсатган омиллар, ижодкор мақсад ва режаларининг юзага чиқиш жараёни;
- б) манбаларда (баёз, мажмуа, тазкира ва ҳ.к) ижодкор асарларининг китобат тарихи;
- в) жорий нашрларда ижодкор асарлари матни масаласи;

³⁰ Каримов F. Муқимий ижодий меросининг манбалари. Муқимий. Асарлар тўплами. – Т.: Бадиий адабиёт, 1960, II том. – Б.164.

³¹ Шодмонов Н. «Шоҳиду-л-иқбол» – адабий манба (монография). – Т.: Фан, 2009.– Б.34.

³² Зоҳидов Р. «Саботул ожизин». (Манбалар, шархлар, илмий-танқидий матн). – Т.: Turon zamin ziyo, 2015. – Б. 167.

г) ижодкор асарлари илмий талқинларининг матн тарихи билан боғлиқлиги.

Диссертацияда юқоридаги омилларга таянилган ҳолда шоир назмий асарлари матн тарихини «Аввалда кўрмасамчи бағрим кабоб кўрмай», «Келсанг, эй ёр, бир улфатлашайлик» мисралари билан бошланувчи ва «Дар мазаммати замона» сарлавҳали ғазаллари ҳамда «Саёҳатнома» асари мисолида тадқиқ қилинди.

Асар ёзилишига таъсир кўрсатган омиллар, ижодкор мақсад ва режаларининг юзага чиқиши жараёни. Муайян бир асарга бошқа бир асарнинг мавзуси, баъзи ҳолларда шаклий тузилиши ва ғоявий-бадиий ўхшаш жиҳатлари эътиборга олиниб, уларнинг бир-бирига таъсири масаласи ўрганилади. Муқимиининг «Аввалда кўрмасамчи бағрим кабоб кўрмай» мисраси билан бошланувчи ғазали Умархон Амирий саройидаги Фазлий ва Маҳзуна мушоиралари асосида ёзилган ғазалга назира қилинган. Икки ижодкор мушоираси қуидаги байтлар билан бошланади:

Фазлий:

*Юз оғарин сўзинга лубби лубоб кўрмай,
Арзи жамол этарми ойина об кўрмай?*

Маҳзуна:

*Кимдин чиқар бу сўзлар бағрин кабоб кўрмай,
Ганж ўлмагай муяссар ҳолин хароб кўрмай³³.*

Муқими ғазали қуидаги байт билан бошланади:

*Аввалда кўрмасамчи бағрим кабоб кўрмай,
Бир лаҳза сабру тоқат йўқ кўзда хоб кўрмай³⁴.*

Муқими салафлари ижодидан таъсирланиши баробарида мазмунни янада теранлаштиради. Байтдаги «Аввалда кўрмасамчи» жумлалари моҳиятан Қуръони каримнинг алмийсоқ кунига далолат қилувчи оятлари мазмунига боғланади. Яъни ошиқнинг руҳи Ҳақ таоло жамолини алмийсоқ кунида кўргани туфайли шундан буён унинг бағри кабоб, сабру тоқатини йўқотган, кўзида хоб йўқ. Бу ҳол мавзу, образлар тасвири, радифлар яқин бўлгани билан шеъриятда ижодкорнинг индивидуал ижодий тафаккури асосий ўрин тутишига далил бўла олади.

Манбаларда (баёз, мажмуа, тазкира ва ҳ.к) ижодкор асарларининг китобат тарихи. Муқими асарларининг китобат тарихини икки турли манбалар – қўллётма ва тошбосма баёзлар тадқиқи асосида ўрганиш мумкин.

Қўллётма баёзлар. «Аввалда кўрмасамчи бағрим кабоб кўрмай» – деб бошланувчи ғазал икки қўллётма манбада (Муқимиининг 7688 рақамли дастхат баёзи ва 12145 рақамли қўллётма баёзда) бир хил вариандта – 7 байт тарзида тўлиқ китобат қилинган. 12145 рақамли қўллётма баёздаги шеър матнига айнан Муқимиининг 7688 рақамли қўллётма дастхат баёзидаги матн асос қилиб олинган бўлиб, ўзгаришсиз қўчирилган.

³³ Каримов F. Муқими. (Танланган асарлар). – Т.: ЎзФА нашриёти, 1958. – Б.18.

³⁴ Каримов F. Муқими. Асарлар тўплами. II том. – Т.: Бадиий адабиёт, 1960. – Б.41.

Тошбосма баёзлар. Мазкур ғазал икки тошбосма баёзда учрайди. Шеърнинг айрим сатрлари ва баъзи сўзлари таҳрир қилинган. Жумладан, 336 (34-саҳифа) рақамли тошбосма баёзда ғазалнинг тўртинчи байти иккинчи мисрасидаги «таътил» сўзи «таълим» сўзига ўзгартирилган. 346 (19-саҳифа) рақамли тошбосмадаги ғазал матни 336 (34-саҳифа) рақамли тошбосма баёздан айнан кўчирилган.

Мазкур қўлёзма ва тошбосма баёзлар устида олиб борилган илмий изланишлар натижасида Муқимий асарлари нашрида таҳрир қилинган ғазаллардан: 69 байт (138 мисра), мухаммаслардан: 12 банд (60 мисра), маснавийлардан: 11 байт (22 мисра), мураббаъдан: 1 мисра. «Саёҳатнома»дан: 16 банд (64 мисра) – жами: 285 мисра шеър қайта тикланди. Диссертацияда шоир асарлари матнининг қайта тикланиш ҳолати жадвал асосида кўрсатилиб, таҳлил этилди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Шоир асарларининг матн таҳрири**»га бағишиланган. Бобнинг «*Ижодкор шеърияти матнида гоявий ва котиб таҳрирининг илмий таснифи ва таҳлили*» деб аталган биринчи фаслида гоявий ва котиб таҳрири масаласи шоир асарлари қўлёзма ва нашр нусхаларининг қиёсий таҳлили асосида ўрганилди.

Муқимий шеърлари нашрида матннинг алоҳида қисмига алоқадор таҳрир қўп учрайди. Жумладан, шоирнинг «Саёҳатнома» асарининг «Кўқондан Шоҳимардонга» қисми 5-банди жорий нашрларнинг барчасида қуйидагича келади:

*Мингбошилик кимнинг иши,
Десам, деди бедониши,
Бир Қўштегирмонлик кииши,
Хўжса Исо бадкор экан.*

Аслиятда (6352 рақамли баёз, 182^{a-б}-саҳифа):

*Мингбошилик кимнинг иши,
Десам, деди бир дониши,
Бир Қўштегирмонлик кииши,
Хўжса Исо бекор экан.*

Банднинг 2-мисрасидаги «*бир дониши*» сўзининг «*бедониши*»га айлантирилиши муаллиф бадиий нияти бутунлай тескари талқин этилишига олиб келади. 4-мисрадаги «*бекор*» сўзи «*бадкор*» тарзида таҳрир қилиниши мисралар мазмунига мос эмас.

Худди шундай ҳолни шоирнинг «Лой» радифли юмори мисолида ҳам кўриш мумкин. Шеърнинг мақтаъси 1325 рақамли шоир дастхат баёзида (182^б-саҳифа) қуйидагича берилган:

*Кўчага чиққоч Муқимий **калимасин** ўгуртуруб,
Яхии қилди, нафси кофирни мусулмон қилди лой.*

Муқимиининг 1942 йилда чиққан «Танланган асарлари»да:

*Кўчага чиққоч Муқимий **келмасун** ўгуртуруб,
Яхии қилди, нафси кофирни мусулмон қилди лой –*

тарзида келади. Шоир «Асарлар тўплами»нинг 1960, 1974 йиллардаги нашрларида эса «калласин» тарзида хато берилган³⁵. «Калимасин» сўзининг «келмасун», «калласин» шаклида берилиши байт мазмунини хиralаштирган, муаллиф назарда тутган фикрнинг мавхумлашувига сабаб бўлган. Қолаверса, қалима ўгириси билан калла ўгириси принципиал фарқ қиласидиган тушунчалардир.

Матнга унда бўлмаган гоянинг қўшилиши. Матннинг бу тарзда таҳрир қилинишини шоирнинг 31 байтли «Хўқандлик бир бойнинг шаънига Муқимий шоирнинг айткон шеъридур» сарлавҳали ҳажвияси мисолида кузатиш мумкин. Тўғри, шеърда танқид бир ахлоқсиз бойга қаратилган. Унинг ахлоқсизлиги, феъл-атвори шеърда реал тасвирланади. Бу бой сабабидан бошқа эшону ҳожиларнинг ёмонотлик бўлиб қолиши куюнчаклик билан тилга олинади. Аммо шоир асарларининг барча жорий нашрларида давр талабига кўра шеърнинг 26-байти қуйидагича қайта ёзилган:

*Ҳақорат қилинган кишилар қолиб,
Топиб бой сўзи бунда зўр эътибор.*

Аслиятдан табдил қилинганда, шеърнинг мазкур байти қуйидагича:

*Эшонлар қолиб дукчини айбига,
Бу одам уятига аҳли тужжор*³⁶.

Матнга унда бўлмаган ғоянинг қўшилиши Муқимий «Саёҳатнома» асари нашрида ҳам мавжуд. Жумладан, «Саёҳатнома»нинг «Кўқондан Шоҳимардонга» қисми 8-банди барча Муқимий асарлари жорий нашрларида:

*Унда бўлус Ғози деди,
Ҳам муфти, ҳам қози деди,
Юрт барча норози деди,
Қилғон иши озор экан.*

Мазкур банднинг аслиятда (6352 рақамли баёз, 181⁶) мана бундай экани кузатилади:

*Анда бўлус ҳожи деди,
Ҳам муфти ҳам қози деди,
Юрти ҳама рози деди,
Бечора беозор экан.*

Умуман, давр талаби нуқтаи назаридан банднинг барча мисралари таҳрир қилинган. Натижада муаллифнинг муфти, ҳожи ва қозилар ҳақидаги рост гаплари ёлғонга дўнган, матн аслиятдан мутлоқ йироқлашган. Аслида эса мазкур бандда Ғози образининг ўзи йўқ.

«Ғоявий таҳрирнинг яна бир тури – матнда мавжуд гоянинг қисқартирилиши ҳам адабиёт тарихини, улуғ шоиру адиблар меросини нотўғри талқин этишга сабаб бўлиши жиҳатидан аввалгисидан кам эмас»³⁷. Юқорида ҳам таъкидланганидек, Муқимийнинг турли жанрлардаги соғ

³⁵ Кўрсатилган асар. – Б.7.

³⁶ «Туркистон вилоянининг газетаси», 1903. №2. (Мазкур шеърнинг ягона нусхаси факат шу газетада учрайди. Бошқа манбаларда учрамайди. Буни муқимийшунос олимлар ҳам таъкидлайди.)

³⁷ Жабборов Н. Бадиий матн таҳрирининг хос хусусиятлари. – «Ўзбек адабиётшунослигига талқин ва таҳлил муаммолари» мавзуидаги илмий-назарий анжуман материаллари. – Т.: Мумтоз сўз, 2014. – Б.30.

лирик, диний-тасаввуфий ва ижтимоий-сиёсий мавзулардаги шеърлари қисмати бунинг далилидир. Бу масала диссертацияда батафсил ёритилган.

Котиб таҳрири. Муқимий шеърий асарларининг аксарияти XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Кўқон ва Тошкентда кўчирилган қўлёзма ва тошбосма баёзларга киритилган. Уларда шоир асарларининг котиблар томонидан қилинган таҳрирлари учрайди. «Котиблар нусха кўчириш жараёнида ўзларини матнга аралашишга, уни ўзгартиришга ҳаққи бор киши деб билганлар. Нусха кўчириш жараёнида матнга давр рухи, тили, цензура, ўз позициялари ва бошқалардан келиб чиқиб, бир оз эркин муносабатда бўлганлар. Матннинг айрим ўринларини тушириб, бошқасини қўшиб ёки ўзгартириб борганлар»³⁸. Баёзларнинг баъзиларида Муқимийнинг бир нечта шеъри учраса, айримларидан 200 дан ортиқ назмий асарлари жой олган. Бу эса шоирнинг ўз даврида нечоғлик ҳурматга лойиқ ижодкор бўлганидан дарак беради. Шу жиҳатдан, Муқимий ижод намуналари киритилган баёзлардаги котиб таҳририни қўйидагича тасниф қилиш мумкин: 1) сўз ва жумлалар таҳрири; 2) мисралар таҳрири; 3) байт ва бандлар таҳрири; 4) байт ва бандларнинг қисқартирилиши; 5) янги байт қўшилиши.

Котиб таҳрири ичida *сўз ва жумлалар таҳрири* кўплиги билан ажralиб туради. Жумладан, 309 (20-саҳифа) рақамли тошбосма баёзда «Доғмен» радифли шеърнинг 2-мисраси «Бир кечা ёлғиз топиб суҳбат қилолмай доғмен» шаклида келса, аслиятда:³⁹ «Бир кечা ёлғиз ўзум суҳбат қилолмай доғмен». Шу ғазалнинг 4-байти 7512 (172^a-саҳифа) рақамли қўлёзма баёзда:

*Хаста кўнглум сўзларинг марҳам, замоне оҳқим,
Бир ўзумга ёндашиб улфат қилолмай доғмен.*

Аслиятда:

*Хаста кўнглум сўзларинг марҳам, замоне оҳқим,
Бир ўзунга ёндашиб улфат қилолмай доғмен.*

Кўринадики, биринчи баёзнинг котиби «ўзим» сўзини «топиб» сўзига алмаштирган бўлса, иккинчи баёзнинг котиби ҳам шундай йўл тутган бўлиб, «ўзумга» сўзини, «ўзунга» тарзида ўзгартирган. Диссертацияда котиб таҳрири юқоридаги турларининг ҳар бирига мисоллар билан тўхталинган. Баъзи котиблар Муқимий шеърлари матнини саводхонлик билан хатосиз кўчирса, айримлари назмий асарлар матнини муаллиф вариантидан узоқлаштириб юборганини кузатиш мумкин.

Бобнинг «Шоир ижодида муаллиф таҳрири масаласи» деб номланган иккинчи фаслида Муқимий ижодида муаллиф таҳрири муаммоси шоирнинг дастхат баёзлари мисолида тадқиқ қилинган. Таъкидлаш жоизки, Муқимийнинг 7521 рақамли дастхат баёзидаги 110 та шеър 1325 рақамли дастхат баёзга муаллиф таҳриридан сўнг қайта ишланиб, кўчирилган.

Шоирнинг 7521 рақамли дастхат баёзидаги баъзи шеърлар муаллиф томонидан қайта-қайта таҳrir қилинган. Шунингдек, бир шеърнинг икки-уч

³⁸ Эркинов А.С. Алишер Навоий “Хамса”си талқинларининг XV – XX аср манбалари: Фил. фан. док... дисс. – Т.: 1998. – Б.180.

³⁹ 1325 рақамли қўлёзма баёз, 165^б-саҳифа.

хил варианлари ҳам учрайди. Бундай таҳририй ўзгаришлар қўлёзма баёз саҳифасидаги матнда ҳам, унинг ҳошияларидаги матнда ҳам учраб туради. Мазкур баёзда шоир бирор шеърнинг янги вариантини, баъзи ғазалларнинг қайта ишланган мисраларини, муҳим бир воқеа ҳақидаги таърихларни ҳошияларга ёзган. Худди шундай ҳолни баёзнинг 4^a, 12^a, 11^a, 13^a, 20^a, 44^a, 45^a, 506, 52^b, 56^a, 57^a, 58^a, 62^a, 64^a, 76^b-саҳифаларида учратиш мумкин⁴⁰.

Муқимий дастхат баёзларида муаллиф таҳририни қўйидагича тасниф қилиш мумкин:

- а) сўз ва сўз бирикмалари таҳрири;
- б) мисралар таҳрири;
- в) байт ва бандлар таҳрири;
- г) асардаги фактларни бойитиш, кенгайтиришга қаратилган таҳрир.

Сўз ва сўз бирикмалари таҳрири. Шоир шеърларини ёзиб тугатгач, уларни яна қайта ишлаган. Масалан, 7521 рақамли қўлёзма баёздаги (76^a – саҳифа)

Бир йўл айлаб субҳу шомим, эй қамар рухсор, кел.

Рўзгорим айламай мундоғ қоронги тор кел,-

матлаъли ғазалнинг «Ҳар қачон чиқсанг, нигоро, боғ сори лоф ураг», - шаклидаги 5-мисраси 1325 рақамли қўлёзма баёзда (167^b-саҳифа) «Ҳар қачон чиқсанг, нигоро, лоф ураг гулишан аро» тарзида таҳрирга учраган. «Боғ сори» бирикмасининг «гулишан аро» бирикмасига алмаштирилиши, шеърнинг оҳангдорлиги ва бадииятини оширган. Муаллиф таҳрири шоирнинг ҳажвий асарларида ҳам кузатилади. «Авлиё», «Асрорқул», «Кўсамен», «Фонус» каби шеърлари бу жиҳатдан, айниқса, характерлидир. Жумладан, «Асрорқул» ҳажвий асари матни энг кўп таҳрир қилиниб, шоир томонидан қайта ишланган⁴¹. Асарнинг 1-мисраси:

Садқаи одам бўл, эй юз ҳайф сан, Асрорқул,-
тарзида бўлса, кейинги вариантда:

Садқаи одам кет, эй юз ҳайф сан, Асрорқул, -
шаклида таҳрир қилинган.

Кўринадики, «бўл» сўзидан кўра «кет» сўзи мантиқан матнга мувофиқдир ва шеърнинг таъсир кучини янада оширади. Биргина шу сўз таҳрири натижасида фош қилинаётган риёкор образи янада кескин танқид остига олинади. Муаллиф таҳрири масаласи диссертацияда юқоридаги тасниф асосида батафсил ўрганилган.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «**Муқимий назмий мероси ва матн талқини муаммоси**» тадқиқ қилинган. Унинг илк фасли «*Шоир шеъриятида матн талқинининг тадрижий босқичлари*» деб номланган. Муқимий ҳаёти ва ижоди ҳар доим мутахассислар дикқат марказида бўлган. XX асрнинг 30-йилларида шоир адабий меросига доир тадқиқотларда Муқимий жадид адабиёти вакили сифатида талқин қилинди. Бундай фикрни дастлаб

⁴⁰ Бу ҳақда А.Шокиров ҳам маълумот берган. Қаранг: Муқимий дастхат баёзизда Фурқат ғазаллари // Адабий мерос. – Тошкент, 1988, 4-сон. – Б.67; Муқимий ижодида таҳрир масаласи // Адабий мерос. – Т.: Фан, 1971. – Б. 67-221.

⁴¹ 7521 рақамли қўлёзма баёз, 79^{a-b}-саҳифа.

А.Саъдийнинг 1934 йилда нашр қилинган «Ўзбек буржуа адабиёти. XIX-XX асрлар» номли дарслигига кўриш мумкин. А.Саъдий давр ижтимоий-сиёсий талабларидан келиб чиқиб, бадиий адабиётга синфиийлик нуқтаи назаридан ёндашади. Адабиётшунос Б.Каримов таъкидлаганидек: «... Бадиий адабиётни, ижодкор фаолиятини социалистик тузумга, баъзида ижтимоий-иктисодий омилларга ҳаддан ташқари боғлаш 30-йиллар адабиётшунослигига хосдир. Бу давр адабиётшунослигига социологик метод бирёқлама қўлланди. Синфий кураш – тарихни ҳаракатга келтирадиган кучdir, деган қараш бадиий асар мазмунини сийқалаштириб, анча жўнлаштирид... XX аср адабиётшунослик тарихидаги бу ҳодиса «вульгар социологиям” деб номланди «вульгар” сўзи лотинча бўлиб, «садда, оддий» деган маънони билдиради... Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, 30-йиллар муҳитида вульгар социологик қарашлар ўзбек адабиётшунослигига ҳам мавжуд эди»⁴².

А.Саъдий Муқимийни «буржуа жадид шоири», «яrim феодал шоир», «жадидларнинг салафи», умуман, Муқимий даври адабиётини «Ўзбек буржуа адабиёти» деб атайди⁴³. Бу каби вульгар-социологик талқинлар асосан жадидчилик ва жадид адабиётига барҳам берилган бир пайтда ёзилган эди.

Шўро даври муқимишшунослигига шоир ижоди турли хил баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Аммо буларнинг барчасида Муқимий ижоди шўро даври мафкурасига кўра бирёқлама талқин этилганини таъкидлаш керак. Шоирнинг турли жанрлардаги «Дариғо мулкимиз», «Ҳажви Бектурбой», «Дар мардуми Оқжар батарики мухаммас», «Дар мазаммати замона», «Воқеаи кўр Ашурбой ҳожи», «Вексиль», «Дар мазаммати қурбақа», «Ҳажви халифаи Мингтепа», «Тарихи зилзилаи Андижон аз Мавлоно Муқимий Хўқандий», «Саёҳатнома», «Мактублар», диний-тасаввуфий мазмундаги кўплаб шеърий асарларининг таҳрир қилиниб, турлича талқин этилгани бунинг исботидир. Жумладан, Муқимийнинг «Баччағар» ва «Қурбақалар» радифли икки сатираси муқимишшунос олимлар тадқиқотларида Дукчи эшонга бағишлиланган илк шеър сифатида талқин этиб келинди.

Масалага холис ёндашилса, бошқача хулоса чиқариш имкони туғилади. Кейинги изланишлар бу талқиннинг асоссиз эканини кўрсатмоқда. Жумладан, профессор F.Каримов Дукчи эшон кўзғолони бўлиб ўтган жойни Ойимқишлоқ деб таъкидлайди. Аслида бу воқеа Мингтепада бўлиб ўтгани тарихдан маълум. Бу хусусда профессор X.Болтабоев қимматли фикрлар билдиради: «...Андижон воқеаларидан озми-кўпми хабардор кишига маълумки, кўзғолон Мингтепада (ҳозирги Марҳамат) бошланиб, Андижон гарнizonи солдатларнинг ўлдирилиши билан тугайди ва 40 км. дан мўлроқ нарида жойлашган Ойимқишлоққа алоқаси йўқ. Профессор F.Каримов «давр талаби билан» Ойимқишлоқни ҳам «Мингтепа»га айлантирган кўринади” – дея олим мазкур шеърларнинг Дукчи эшонга мутлақо алоқаси йўқ эканини таъкидлайди⁴⁴. А.Мадаминов ва А.Турдалиев мақоласида бу масалага бир қадар ойдинлик киритилган: «Музейимиз хазинасида машҳур файласуф,

⁴² Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Т.: Муҳаррир, 2011. – Б.34.

⁴³ А.Саъдий. Ўзбек буржуа адабиёти. XIX-XX асрлар. – Т.: Ўздавнашриёт, 1934. – Б.15. Бу хақда F.Каримов ҳам фикр билдирган. Қаранг: Каримов F. Муқимий ҳаёти ва ижодини ўрганиш тарихидан. Ўтра Осиё Давлат университетининг илмий асарлари. Ўзбек адабиёти. Янги серия, 15 китоб. – Т.: 1957.-Б.26.

⁴⁴ Болтабоев X. Ёлланган адабиёт сирлари / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1998, 49-сон.

шоир Сўфи Оллоёрнинг «Маслак ул-муттақин» асарининг (сақланиш рақами 6738) хижрий 1304 (милодий 1887) йили Хўқанд шаҳрида Муҳаммад Қосим мулло Содик ўғли томонидан кўчирилган нусхаси сақланмоқда. Қўлёзма 446 варақ бўлиб, унинг 1^б-2^а-варакларида (китобга илова қилинган қўшимча варакларда) «Аз Муҳаммад Аминхожа. Ҳажви Муҳаммад Мусобой («Муҳаммад Мусобой ҳажви») сарлавҳаси остида шоирнинг «Баччағар» ҳажви берилган»⁴⁵. Бу икки олимнинг манбалар таҳлили асосидаги фикрлари мазкур ҳажвия Дукчи эшонга мутлақо алоқаси йўқ эканини тасдиқлайди. Муаммони янада ойдинлаштириш учун «баччағар» ва «курбақалар» радифли шеърлар манбаларига мурожаат қилиш зарурати сезилади.

Муқимийнинг «Курбақалар» радифли ҳажвий асари жиддий таҳрирга учрагани кузатилади. Ҳажвиянинг бешинчи байти шоир асарларининг барча нашрларида қуйидаги варианта учрайди:

*Хоҳ ноҳоҳ Мингтепа ўйлаб қилурсиз зикри жаҳр,
Ховз давринда ҳама масту пиён қурбақалар.*

Муқимийнинг 1325 рақамли ўз қўлёзма баёзида (121^а-саҳифа) аслият матни:

*Ё ўруслек жонуворларга бу қун майраммукин,
Ховз даврида ҳама масту пиён қурбақалар.*

Кўринадики, мутахассислар эътирозига сабаб бўлган «Хоҳ ноҳоҳ Мингтепа ўйлаб қилурсиз зикри жаҳр» мисраси ўша давр мафкураси тақозосига кўра онгли равишда таҳрир қилинган. Энг ёмони, шеър тарих ҳақиқатига зид ҳолда Дукчи эшонга боғлаб талқин этилган. Муқимийнинг «баччағар» радифли шеъри Дукчи эшонга эмас, Дукчи эшон воқеасидан ўн йил олдин Ҳазрат мадрасасининг мутаваллиси Муҳаммад Мусобойга бағишилаб ёзилган. Буни мазкур шеърнинг 6-байти ҳам тасдиқлаб турибди:

*Ҳалқада мундин бўлак болонишин йўқ, охири,
Қилмагай деб қўрқаман Ҳазратга даъво баччағар.⁴⁶*

Диссертацияда шоир асарларининг тадрижий талқинлари батафсил ёритилган.

Бобнинг иккинчи фасли «Матн талқинининг шоир адабий-эстетик дунёсини ўрганишдаги ўрни» деб номланади. Муқимий адабий-эстетик дунёқарашини ўрганишда унинг ҳанузгача адабий жамотчиликка маълум бўлмаган туркум шеърий асарлари талқини муҳим илмий қимматга молик. Муқимишунос олимлар тадқиқотларида шўро даври мафкурасига кўра шоир назмий меросининг қуйидаги жиҳатлари атайлаб четлаб ўтилди. Биринчидан, шоирнинг диний-тасаввуфий мазмундаги аксар шеърий асарлари нашр этилмай қолди. Иккинчидан, Муқимиини бой, савдогар, қозилар ва дин пешволарига қарши қилиб қўрсатиш тадқиқотлар учун устувор вазифа этиб белгиланди. Учинчидан, Муқимиининг сарой адабиёти ва анъаналарига бўлган муносабати нохолис талқин қилинди, улардан синфий кураш аломнлари изланди. Бу эса, ўз навбатида мустақиллик мафкураси мезонлари асосида Муқимиининг ижодкор сифатидаги тутумини, ижтимоий воқеликка

⁴⁵ Мадаминов А., Турдалиев А. “Баччағар” кимга бағишиланган / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –Тошкент, 1992. 3-сон.

⁴⁶ 4179 рақамли қўлёзма баёз, 69^{а-б}-саҳифа.

муносабатини, умуман адабий-эстетик дунёсини белгилаш, асарларини холис ва ҳаққоний ўрганиш заруратини тақозо этади.

Муқимийшуносликда маҳсус ўрганилмаган шоирнинг ғазал жанридаги мувашшаҳ – ғазаллари, таърихлари ижодкор адабий-эстетик оламини ўрганишда муҳим аҳамиятга молик. Жумладан, Муқимий ижодий меросида 75 та мувашшаҳ-ғазал мавжуд бўлиб, мавжуд нашрларга улардан 50 таси киритилган⁴⁷, 20 таси эса шоир асарлари нашрларига кирмай қолган. Улардан 8 таси А.Мадаминов хизмати билан 1997 йилда чоп этилган Муқимий, Фурқат ва Завқийнинг янги топилган шеърларидан тузилган «Янги баёз» китобида берилган. 1 таси профессор Шариф Юсупов⁴⁸, 1 таси адабиётшунос Отабек Жўрабоев⁴⁹ томонидан матбуотда Муқимийнинг янги топилган шеърлари сифатида чоп этилган. Адабиёт аҳлига маълум бўлмаган 10 та мувашшаҳ-ғазал эса биз томонимиздан республикамиз фондларида сақланаётган турли қўлёзма ва тошбосма баёзлардан аниқланди. Шундан шоирнинг Муҳсинхон номига мувашшаҳ сифатида битилган 7 байтли:

Маҳвашо, ҳеч ким санго мендек гирифтор ўлмасун,

Кеча-кундуз согиниб муштоқи дийдор ўлмасун -

матлаъли ғазали 7512 рақамли қўлёзма баёзда (167 ^a-саҳифа) учрайди. Мазкур шеър Алишер Навоийнинг «Кимса мендек даҳр аро бесабру ором ўлмасун» мисраси билан бошланувчи ғазалига назира қилинган. Муқимий мувашшаҳ-ғазали Навоий ғазалига шаклан ва мазмунан ниҳоятда уйғун эканини таъкидлаш керак. Мазкур фаслда Муқимийнинг Алишер Навоий ижодидан таъсиrlаниб ёзилган туркум шеърлари таҳлилга тортилди ва умумлашма хulosалар чиқаришга ҳаракат қилинди.

XIX аср охири – XX аср бошлари Қўқон адабий муҳити намояндалари ижодидаги таърихлар ҳам муайян даражада давр тарихий воқеаларига оид маълумотларга ойдинлик киритиши билан қимматлидир. Ана шу жиҳатдан Муқимий адабий меросидаги таърихлар шоирнинг адабий-эстетик дунёсини ўрганишда алоҳида аҳамиятга молик. Шоирнинг турли воқеаларга бағишлиб ёзилган таърихларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

- кишилар вафоти муносабати билан ёзилган таърихлар;
- бино ва иморатлар қурилишига бағишлиган таърихлар;
- ижтимоий-сиёсий воқеаларга доир таърихлар.

Диссертацияда Муқимийнинг таърихлари мазкур тасниф асосида тадқиқ қилинди.

Муқимий дунёқарашини, воқеликка муносабатини умуман, бадиий-эстетик оламини ўрганишда шоирнинг жамоатчиликка маълум бўлмаган туркум асарлари ҳам илмий қимматга эга. Жумладан, Муқимий дастхат баёзидаги (7521 рақамли баёз 46^a-саҳифа) форс-тожик тилида ёзилган 9 байтли шеърий мактуби бунинг далилидир. Шу пайтгача илм аҳлига маълум бўлмай келган шеърнинг айрим байтларини келтирамиз:

Тилмочи ҳокими Ислом Бурҳонро салом,

Сониян Мирзо Умар мирзойи девонро салом.

⁴⁷ Каримов F. Муқимий. Асарлар тўплами. – Т.: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – Б.76.

⁴⁸ Юсупов Ш. Янги саҳифалар // Гулистон. – Тошкент, 1978, 2-сон. – Б.76.

⁴⁹ Жўрабоев О. Муқимий дастнавислари ҳакида //Адабиёт кўзгуси. – Тошкент, 2005 -сон. – Б.16.

*Мирсалым холисанлилло ба саркори замон,
Яьни олий қадр мингбошийи давронро салом.*

*Хожи қозийи музофоти «Қароқчи»ро дуо,
Ҳам Зуҳур ҳожио, қози Сайийд Усмонро салом.*

Таржимаси:

*Ҳокими исломнинг тилмочи (таржимон) Бурҳонга салом,
Сўнгра девоннинг мирзоси Мирза Умарга салом.*

*Холисанлилло, замонанинг саркори Мирсалимга,
Яъни олийқадр, ҳурматли мингбошига салом.*

«Қароқчи» музофатининг қозиси ҳожига дуо,
Ҳам Зухур ҳожига ва Саййид Усмон қозига салом.

Шеър мазмунидан билинадики, бу мактуб Муқимий Тошкентда эканида ёзилган. Шеърда тилга олинган Бурхон тилмоч, Зухур ҳожи, Саййид Усмон қози, Абдумўмин, Абдужаббор, Азимжон, Мирза Умар ва Мирсалим сингари шахслар Муқимиининг дўстлари ва яқин кишилари бўлган. Булар исми шоирнинг бошқа асарларида ҳам кўп учрайди. Мазкур назмий мактубнинг Муқимий асарлари нашридан тушириб қолдирилиши сабабини унда ҳожи, қози, бойлар тилга олингани билан изоҳлаш мумкин.

Хуллас, шоир ижодидаги мувашшаҳлар, таърихлар ва янги топилган шеърий асарлар Муқимий адабий даврасини, бадиий-эстетик дунёсини ўрганишда муҳим илмий қимматга молик.

ХУЛОСА

1. XIX аср охири – XX аср бошлари Кўқон адабий муҳити ва Муқимий ижодини ўрганишда қуйидаги назарий-методологик тамойиллар ҳисобга олинниши илмий натижаларнинг холис бўлишини таъминлайди: 1) ижодкор ва у яшаган ижтимоий-тарихий муҳитнинг ўзаро муносабатларини тўғри белгилаш; 2) адабий мероси ўрганилаётган ижодкор дунёқарашини баҳолашда мезоннинг тўғри танланиши; 3) адабий манбадаги талқинларнинг аслиятга мувофиқлиги; 4) ижодкор асарларини тадқиқ қилишда адабий-эстетик тафаккурнинг бўғунги глобаллашув давридаги такомилига таъсири.

2. Матншуносликнинг назарий асоси бўлган матн тарихига доир қарашлар генезиси, аввало, Куръони карим ва ҳадиси шарифларга боради. Ҳадиси шарифларнинг китобат тарихини ўрганишга доир «муқобала» услуби айнан бу муборак манбанинг матн тарихига доир қарашлар тизимини ўз ичига олади. Ҳадислардаги ҳар бир сўз, ҳар бир ҳарф киёсига асосланган бу услубнинг адабий ёдгорликлар матнини ўрганиш жараёнига татбиқ этилиши муҳим илмий натижаларга олиб келиши мумкин.

3. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготи-т-турк», Юсуф ХосҲожибининг «Кутадғу билиг», Алишер Навоийнинг «Хамса» асарлари муқаддималаридағи муаллиф ижодий нияти, бадиий-эстетик режаси билан боғлиқ ўринлар мазкур асарлар матн тарихини мужассам этгани билан қимматлидир. Уларда гарчи *матн тарихи* истилоҳи қўлланмаган бўлса ҳам, ушбу назарий тушунчанинг моҳияти ўз ифодасини топган. Матн тарихига доир миллий адабиётшунослигимиздаги қараашлар матншунослик назариясига

олиб кирилиши, амалий матншунослиқда қўлланиши соҳа ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Муқимий асарларининг матн тарихини ўрганишда ана шу адабий-эстетик омилларни назарда тутиш зарур.

4. Матн тарихининг асоси бўлган матн таҳрири адабий асарларнинг дастхат ва унга яқин варианtlарини нашр нусхалари билан қиёсий ўрганиш, аниқланган ҳар бир тафовутнинг сабабларини аниқлаш ва илмий баҳолаш учун замин вазифасини ўтайди. Матн таҳририни ўрганиш бадиий асарнинг аслиятга ҳар жиҳатдан мувофиқ ишончли матнини тиклаш имконини бериши жиҳатидан қимматлидир.

5. Муқимий дастхатида ва замондошлари томонидан тузилган қўллўзма ҳамда тошбосма баёзлардаги шеърлари матнларининг қиёсий таҳлили шоир асарларининг аслиятга мувофиқ ва муаллиф вариантига яқин матнларини тиклаш имконини бергани билан аҳамиятлидир. «Саёҳатнома», «Дар мазаммат замона», «Ҳажви Бектурбой», «Вексил», «Дар мазаммати қурбақа» каби асарларнинг тўлиқ матни тиклангани бунинг исботидир.

6. Муқимийнинг дастхатида ёзилган қўллўзма баёзлар шу пайтгача тўлиқ тадқиқ қилинмаган. Шоирнинг ўз дастхати билан ёзилган 7521, 1325, 7688, 9309, 49.4100 рақамли қўллўзма баёзлари шоир асарларининг илмий-танқидий матнини тайёрлашда таянч манбалар бўлиб хизмат қилиши мумкин. Мазкур дастхат баёзлардан шўролар давридаги нашрлардан тушириб қолдирилган ғазаллардан 69 байт (138 мисра), мухаммаслардан 12 банд (60 мисра), маснавийлардан 11 байт (22 мисра), мураббаъдан 1 мисра. «Саёҳатнома»дан 16 банд (64 мисра) – жами 285 мисра қайта тиклангани ҳамда илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган 13 ғазал, 3 мухаммас (194 мисра) аниқланиб, илмий истифодага олиб кирилгани шоир адабий мероси ҳақидаги мавжуд тасаввурларни бойитади.

7. Муқимийнинг турли жанрлардаги назмий асарлари дастхатлари ва унга яқин варианtlарини жорий нашрлардаги матнлар билан қиёслаш натижалари шоир шеърларининг «ғоявий таҳrir»га учраганини кўрсатади. Бунинг оқибатида баъзан ижодкор асарларига уларда бўлмаган ғоялар қўшилган, айrim ҳолларда эса мавжуд ғоя қисқартирилган. Шоирнинг диний-тасаввуфий, ижтимоий-сиёсий мавзулардаги шеърлари матнлари, айниқса, жиддий таҳrirга учраган. Шу боис уларнинг тўлиқ ва ишончли варианtlари тиклангани шоир дунёқараши, бадиий-эстетик олами ҳақида тўлақонли тасавур бериши жиҳатидан қимматлидир.

8. Баъзи котиблар Муқимий шеърлари матнини саводхонлик билан, хатосиз кўчирган бўлса, айримлари шоир лирик асарлари матнини муаллиф вариантидан тобора узоқлаштириб юборганини кузатиш мумкин. Бундай таҳrirлар натижасида шоир лирик ва ҳажвий асарлари нашрларида кўплаб матний тафовутлар юзага келган. Бу эса асар талқинига ҳам жиддий таъсир кўрсатган. Натижада ижодкор асарлари муаллиф руҳияти, дунёқараши яширилган ҳолда китобхонлар ҳукмига тақдим этиб келинганини таъкидлаш керак.

9. Муқимий асарларида муаллиф таҳriри кўп учрайди. Таҳrirнинг бу турини, айниқса, шоирнинг 7521, 1325, 7688, 9309, 49.4100 рақамли дастхат баёзларида кузатиш мумкин. Дастхат баёзларда баъзи шеърлар шоир томонидан қайта-қайта таҳrir қилинган. Баёзларнинг характерли жиҳати

шундаки, ушбу манбаларга таяниб, Муқимий асарлари тўплами нашридаги айрим шеърларнинг аслиятга мувофиқ матнларини тиклаш мумкин.

Ижодкор асарларида учрайдиган муаллиф таҳририни сўз ва сўз бирикмалари таҳрири, мисралар таҳрири, байтлар таҳрири, бандлар таҳрири, асардаги фактларни кенгайтиришга қаратилган таҳрир тарзида тасниф этиш мумкин. Бундай таҳрир натижасида шоир лирик ва ҳажвий асарларига ёрқин поэтик образлар олиб кирилган, шеърлар бадиияти юксалган ва уларнинг таъсири кучи ошган. Шу жиҳатдан, уларни ўрганиш муҳим илмий-назарий умумлашмалар чиқариш имконини беради.

10. Муқимийнинг «Баччағар» радифли сатираси ўз моҳиятидан узоқлаштирилиб, Дукчи эшон воқеасига боғлаб талқин этилган. Кўлёзма манбалар тадқиқидан маълум бўладики, шеър Дукчи эшон воқеасидан ўн йил олдин Ҳазрат мадрасасининг мутаваллиси Муҳаммад Мусобойга бағишилаб ёзилган. Бу эса, ўз навбатида, мавжуд талқинларнинг хато ва бирёқлама бўлганини кўрсатади. Ижодкорнинг «Қурбақалар», «Ҳажви Бектур», «Вексиль», «Дариго мулкимиз» ҳажвий асарлари матни таҳрир қилиниб, жорий нашрлардан тушириб қолдирилган бандлари қайта тикланиши шоир ҳажвий асарларининг мавжуд талқинлари илмий асосга эга эмаслигини кўрсатади.

11. Муқимий ижодидаги мувашшаҳ-ғазаллар, таърихлар, орифона ғазал ва мухаммаслар, мактублар шоир дунёқарашини, адабий-эстетик оламини англашда алоҳида қимматга эга. Шоирнинг мувашшаҳ-ғазаллари бағишиланган дўстлари, яқинлари билан ўзаро муносабатларини ўрганиш унинг адабий давраси ҳақидаги маълумотларни бойитиши жиҳатидан қимматлидир. Шоирнинг таърих жанрига оид шеърлари эса давр ижтимоий-сиёсий воқелигига ойдинлик киритиши билан аҳамиятлидир.

12. Муқимий ва салафлари ижодини қиёслаганда, улар ижодида муштарак жиҳатлар кўп экани кузатилади. Хусусан, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Саққои Бухорий, Амирий, Азимхўжа эшон сингари шоирлар ижодидаги мавзулар мутаносиблиги, қоғия ва радиф, образ ва тимсоллар, анъанавий бадиий санъатлар такомили бунинг далилидир. Бу хусусиятлар, ўз навбатида, Муқимий ижодий камолотида салафлари санъатхонасининг таъсири катта бўлганини кўрсатади.

Умуман, Муҳаммад Аминхўжа Муқимий шеъриятининг матн тарихи, таҳрири ва талқини масалаларининг ўрганилиши, биринчидан, матншуносликнинг айрим назарий масалаларига оид қарашларни тўлдиради, иккинчидан, бирламчи манбаларга таянмай айтилган илмий фикрнинг асоссиз бўлишини кўрсатади, учинчидан, шоир асарларининг мавжуд нашрларини аслият билан қиёслаган ҳолда танқидий ўрганиш юзасидан аҳамиятли хуросалар чиқариш имконини беради. Тажриба шуни кўрсатадики, аслиятга таянилиб айтилсагина илмий хуроса матншунослик ва адабиётшуносликнинг ривожига хизмат қилиши мумкин.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
DSc.27.06.2017.Fil.19.01. AT TASHKENT STATE UNIVERSITY OF
UZBEK LANGUAGE AND LITERATURE NAMED AFTER ALISHER
NAVOIY**

**TASHKENT STATE UNIVERSITY OF UZBEK LANGUAGE AND
LITERATURE**

PARDAYEV KULDOSH UZAKOVICH

**THE TEXT HISTORY, INTERPRETATION AND EDITING OF THE
POETRY OF MUKIMI**

10.00.10 – Textual and literary source study

**DISSERTATION ABSTRACT
OF THE DOCTOR OF SCIENCE (DSc) ON PHILOLOGICAL SCIENCES**

Tashkent – 2020

The theme of doctoral (DSc) thesis was registered by the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under B2017.1.DSc / Fil52.

Doctoral thesis was completed at the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi.

Dissertation abstract is placed on the web site of the Scientific Council (www.navoiy-uni.uz) and educational informational portal of «Ziyonet» (www.ziyonet.uz) in three languages (Uzbek, English and Russian (resume).

Scientific advisor: **Jabborov Nurboy Abdulhakimovich**
Doctor of Philological sciences, Professor

Official opponents: **Tohliev Boqijan**
Doctor of Philological sciences, Professor

Shodmonov Nafas Namozovich
Doctor of Philological sciences, Professor

Yakubov Islamjon Ahmedjanovich
Doctor of Philological sciences, Associate Professor

Leading organization: **State Literature Museum named after Alisher Navoi of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan**

Dissertation defense will be held at the meeting of the Scientific Council DSc.27.06.2017.Fil.19.01 at Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi on _____ at _____. (Address: 100100, Tashkent, Yakkasaray district, Yusuf Khos Hojib street, 103) Tel.: (99871) 281-42-44; fax: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

The dissertation can be found at the Information Resource Center of Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi (registered by _____. (Address: 100100, Tashkent, Yakkasaray district, Yusuf Khos Hojib Street, 103. Tel.: (99871) 281-42-44; fax: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Dissertation abstract was distributed in 2020 «____» _____.
(Digital Registry note № _____ in 2020 «____» _____).

Sh. S. Sirojiddinov
Chairman of the Scientific Council awarding
Scientific degrees,
Doctor of Philological Sciences, Professor

B.B. Abdushukurov
Scientific Secretary of the Scientific Council
awarding Scientific degrees,
Doctor of Philological Sciences, Associate Professor

Z.Sh.Abdirashidov
Vice Chairman of the Scientific Seminar at the
Scientific Council awarding Scientific degrees,
Ph.D., Associate Professor

INTRODUCTION (annotation of doctoral thesis)

Topicality and necessity of the research theme. In the development of world culture and literary-aesthetic thinking, the field of textual study and literary sources plays an important role. The study of the ancient sources of various epochs, which are carefully kept, and using them for raising the spirituality of the society are one of the important tasks, as well as the analysis and interpretation of the manuscript sources and the discovery of scientific facts of a particular author's literary heritage are the important aspects to deal with.

The problem of the history and editing of the text is one of the main scientific issues to be explored in the world of textual and source science. The study of this issue is of particular importance as it covers studying from the author's work laboratory to the planning and aims in the process of text creation and the problems of current shaping of the text. The issue of text editing is an important scientific issue as it reflects the stages of perfect versions of the text. While the global textual editing had been deeply studied, textual editing in our country has not been deeply explored. The same can be said about Mukimi's work.

Much work has been done in the years of independence to study the literary heritage of educated authors who lived and worked in the Kokand literary environment during the late XIX and early XX centuries, but still, the fact that there are much work waiting for researchers to be explored, is also true. In this way, «... First of all, we need to thoroughly study the unique heritage of our creative genius people, to study a holistic view of the life and scientific activities of the great scientists and thinkers, and to educate the younger generation in the spirit of humanistic ideas, national pride and dignity»¹. One of such authors, Muhammad Aminhoja Mirzakhoja's son Mukimi's life and creative legacy, has not ever been studied in a monographic way in the years of independence as it has not been objectively and thoroughly explored in the context of communist ideology. Therefore, there is a need for a comparative-textual study of the manuscripts of Mukimi and to re-examine the works of the poet and poems that are gathered based on modern achievements in textual and literary sources. Various lyrical and comic books in different sizes of Mukimi have been interpreted differently. It is also important to note that these interpretations are often far from the real nature of the text and are based on certain narrow templates. Therefore, there is a great need to study poet's poetry as an example within the issues of the textual interpretation. This confirms the importance and the necessity of the following dissertation topic.

The thesis serves to some extent to carry out tasks specified in some normative-legal acts related to the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan as of May 13, 2016 N UP-4797 «On the establishment of Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi», Decree as of May 24, 2017 N PP-2995 «On measures of further improvement of

¹Mirziyoev Sh.M. The development of literature, art, culture is a solid foundation for the spiritual advancement of our people. Address by President Sh.Mirziyoev at the meeting with representatives of creative intelligentsia of Uzbekistan /Public speech - Tashkent, August 4, 2017.

the system of preservation, study and promotion of ancient written sources», Decree of the President of the Republic of Uzbekistan as of February 17, 2017 N PP-2789 «On measures of further improvement of the activities of organizing scientific researches, management and financing of the Academy of Sciences», and the Decree of the PF-5850 as of October 21, 2019 «On measures to radically enhance the status and prestige of the Uzbek language as a state language».

Relevant research priority areas of science and developing technology of the Republic. The dissertation research was carried out in accordance with the priority area of development of science and technology in the Republic of Uzbekistan I. «Social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of the information society and democratic state, development of innovative economy».

Comments on foreign scientific researches on the theme of the dissertation². Research is underway on the basis of theoretical and practical principles of literary sources and texts the leading scientific centers and higher educational institutions of the world on the problems of comparative-text study of the author's life and creative sources, including Istanbul University (Turkey), Balkh State University (Afghanistan), University of Washington Press (USA), Institute of Oriental Studies of Russian Academy of Sciences (Russia), Kazan State University, Kazakh National University (Kazakhstan), Institute of Manuscript of Azerbaijan National Academy of Sciences (Azerbaijan), Tashkent State University of Uzbek Language and Literature under the name of Alisher Navoi, Institute of Uzbek Language, Literature and Folk of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Tashkent State Institute of Oriental Studies, International Islamic Academy of Uzbekistan, AlisherNavoi State Literature Museum of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan and Samarkand State University (Uzbekistan).

Studies on the literary heritage of Muhammad Aminhoja Mukimi worldwide related to textual and literary sources, and his comic works, in particular, have resulted in a number of scientific novelties, including the following: the information about the biography of the poet, the constituent structure of his works is summarized, Translated from Mukimi's collection based on publications in Uzbekistan (Institute of Oriental Studies of Russian Academy of Sciences (Russia), (Oriental institute named after Z.Bunyadov (Azerbaijani), The literary environment of Kokand and the satirical works of the poet are analyzed (University of Washington Press (USA), Istanbul University (Turkey), Humboldt University of Berlin (Germany), a new system of methodological approaches to the history and interpretation of texts in literary sources are established (University of Amsterdam

² Review of foreign scientific research on the topic of dissertation <https://litva.info.Book.page-75>, <https://bulletin-history.kaznu>; https://scrible.su/school_literature; <https://dic.academic.ru>, <https://www.istanbul.edu.tr/> <http://www.washington.edu/>, <http://www.uva.nl/en/home/>, <http://london.ac.uk/>, <http://www.uop.edu.pk/>, <http://www.ivran.ru><http://elm/az>, <http://elm/az>, www.navoiy-uni.uz; Edward ALLWORTH. Uzbek literary politics. London-Paris, 1964, p. 29; A. Zeki Velidi Toğan. Bugünkü Türk ili: Turkistan ve yakın tarihi. İstanbul-1981. - B-501; Janos Eckmann. Harezm, kıpçak ve çagatay türkçesi üzerine araştırmalar. Ankara, 1996. - B-209; Philologiae turcicae fundamenta. Wisbaden, Tomum secundum, 1965.

(Netherlands), (Institute of Oriental Studies of Russian Academy of Sciences (Russia), Kazakh National University (Kazakhstan), Istanbul University (Turkey), based on critical-scientific text researches related to classic literary sources can become a fundamental research work (Istanbul University (Turkey), Tashkent State Institute of Oriental Studies, Institute of Uzbek language, literature and folklore of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Alisher Navoi State Literature Museum of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi.

The textual and literary criticism research is carried out in the following priority areas worldwide: the problem of the history of the text of a particular work and the text editing; poet's creative lab; book history of a literary work; comparative textual analysis of manuscript sources; compilation of a scientific-critical text of a particular work.

Problem development status. The history of the text and the issue of its editing have been studied in both the world and the Uzbek language textualism. Theoretical issues of this scientific problem are enlightened in the works of the Russian text-writers D.S.Lichachev³, B.V.Tomashevskiy⁴, as well as Uzbek scientists P.Shamsiev, H.Sulayman, G.Karimov, Sh.Sirojiddinov, N.Rakhmonov, B.Tohliev, N.Jabborov, H. Boltaboev, A. Erkinov, N. Shodmonov, R. Zohidov⁵. Although the study of Mukhimi's work began in his lifetime, the literary heritage of the poet has not been studied in terms of the history and editing of the text. Oriental studies began mainly with the publication and popularization of the works of the poet Mukimi. For instance, his lyrical poetry and satirical poems were published in the Turkestan Gazette (annual editions in the years 1891-1903-1907).

N. Ostroumov gave examples of the regular comic works of Mukimi in the IX collection of « Notes of the Eastern Branch of the Imperial Russian Archaeological Society» published in St. Petersburg in 1894. After that, N. Ostroumov sorted

³Likhachev D.S. Priprecie A.A. Alexeyeva and A.G. Bobrova. Textology on the source of russian language literatuity of X - XVII centuries. - St. Petersburg, Search «Aletheia», 2001, page. 34-35.

⁴Tomashevsky B.V. Writer and the book. The text of an essay. Ed. 2-e, – M., 1959, page. 148.

